VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

7 (439) ● 2017 йил 15 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Имом Термизий халқаро марказининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланиши эътиборга олинсин:

ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, Имом Термизий ҳамда термизий алломалар, юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир зотлар меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш;

юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш мақсадида зарур дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, оммабоп нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш юзасидан доимий иш олиб бориш;

турли мафкуравий хуружлар авж олаётган бугунги кунда аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, улардаги эзгу ғоя ва таълимотларни кенг халқ оммасига етказиш ва шу асосда ёшларда соғлом дунёқарашни кучайтириш, уларни азалий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш;

Имом Термизий ва термизий алломаларнинг бой меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида хорижий илмий марказлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро конференция, симпозиум, кўргазма, илмий маърузалар, семинар-тренинглар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;

мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланаётган термизий алломалар ҳамда буюк мутафаккирларимизнинг қўлёзма ва тошбосма асарлари нусхаларини, улар ҳақидаги китобларни тўплаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

маънавий меросимизни ўрганишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишга доир тегишли илмий ишланма ва тавсияларни тайёрлаш.

3. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда бир ой муддатда Марказнинг тузилмаси ва Низомини тасдиқлаш, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш тавсия этилсин.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Марказ биноси ва унинг кутубхонасини қуриш, зарур моддий-техник база ва инфратузилмаларни барпо этиш ҳамда ривожлантириш лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Марказ фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Термизий ёдгорлик мажмуаси, ҳомийлик хайриялари ҳамда хорижий мамлакатлар ва халқаро диний-илмий марказларнинг маблағ ва грантлари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

5. Маҳаллий ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг қурилиш ва ободонлаштириш ишларига йўналтириладиган маблағлари учун Марказнинг ҳисоб рақами очиқ экани қайд этилсин.

Марказни ташкил этиш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳомийлик хайриялари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан озод қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 14 февраль

Муносабат

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ САРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони билан тараққиётимизнинг келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизни ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши — давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани тараққий эттириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш бўйича аниқ, ҳаётий ислоҳотлар, уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилган. Бу мамлакатимизда ислоҳотлар самарадорлигини кескин ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама уйғун ва жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, барча соҳани модернизация қилиш ва эркинлаштиришдек буюк мақсадларга хизмат қилади.

ЎзМТДП фаоллари, депутатлар ушбу фармон ва Ҳаракатлар стратегиясининг мазмунмоҳияти ва аҳамияти ҳақида ўз муносабатларини билдирди.

➜ 2

Миллий ғурур

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида улкан салоҳиятга эга етук мутахассислар тайёрлаш, иқтисодиётни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшадиган миллий дастурий маҳсулотлар бозорини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Миллий манфаатларга мос, ҳар томонлама фойдали сайтлар яратилаётгани, ёш веб-ихтирочилар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани миллий интернет сегментини бойитиш, соғлом ахборотлашган жамиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг 4-курс талабаси, Беруний номидаги давлат стипендианти Сирожиддин Абдукаримов ана шундай иқтидорли ва изланувчан талабалардан.

➜ 6

ЎзМТДП ташкилотларида

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Шу кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий ташкилотларида кенгайтирилган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Уларда партия вилоят кенгашларининг ўтган йилги фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, жорий йилги чора-тадбирлари белгилаб олинмоқда, ЎзМТДП сайловолди Платформасидаги мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент вилояти. ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида ҳудудий ташкилот фаолиятининг 2016 йил сарҳисоби, эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар, партия Марказий кенгаши Пленумида ҳамда сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижроси кенг муҳокама қилинди.

— Ўтган 2016 йилда партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар билан биргаликда катор ўқув-услубий семинар, кўрик-танлов, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти"нинг акция ва форумлари, жами мингдан ортиқ тадбир ташкил этди, — деди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров.

➜ 4

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

АҲОЛИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларидан иборат гуруҳлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, таълим ва тиббиёт муассасалари фаолиятини ўрганди, аҳоли билан мулоқотда бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши муносабати билан ҳамда "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган ғояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида амалга оширилаётган мулоқотларда жойларда иқтисодий инфратузилма ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, молия-кредит ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу қонун ижодкорларининг жойларда ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиши, қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини ўрганиши, аҳолининг талаб ва таклифларини эшитган ҳолда келгуси вазифаларни белгилаб олишида муҳим аҳамият касб этади.

➜ 2

Ушбу сонда:

МАЙДАНАКДАН ЮЛДУЗЛАР ЁРҚИН КЎРИНАДИ

6-бет

"ПАРИЖ ОЙНАСИ"
ЁХУД КУБ ШАКЛИДА ҚУРИЛГАН МУҲТАШАМ ИНШООТ

7-бет

ХОРАЗМ ҚОВУНЛАРИ:
ТАРИХ, АНЪАНА ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ УЙҒУНЛИГИ

8-бет

"MILLIY TIKLANISH"

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ САРИ

Ҳусниддин РАЖАБОВ, ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси котиби

Олимжон ЎСАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборот хизмати раҳбари

Элдор ТУЛЯКОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Анора БОБОМУРОДОВА, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси

Алишер ҲАМРОЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ҳусниддин РАЖАБОВ:

— Мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётига дастуриламал бўладиган Ҳаракатлар стратегиясининг ҳаётимизга татбиқ этилиши давлатимиз ва жамиятимиз ривожини янада юқори поғонага кўтаради. Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи асосий йўналиши давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришни назарда тутади. Жумладан, унда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини кучайтириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Бу қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг аҳамияти беқиёс. Партиялар фаолиятининг кучайиши, ўз навбатида, халқимиз ва сайловчиларнинг сиёсий онги ва фаоллиги юксалишига хизмат қилади. Бугун сиёсий партиялар муайян ижтимоий қатлам манфаатларининг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқиши, ўз электоратининг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида самарали фаолият олиб бориши талаб этилмоқда. Айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, уларнинг ҳудудлардаги турли масалаларни ҳал этишдаги ўрнини кучайтириш алоҳида аҳамият касб этаётир.

Ҳаракатлар стратегиясида сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш ва ваколатларини кенгайтириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларида ижрочи котиб лавозими таъсис этилгани муҳим аҳамиятга эга. Чунки сиёсий партиялар фракцияларининг ижрочи котиблари ўз партиялари сиёсатини, партиянинг аниқ нуқтаи-назарини парламент қуйи палатасида ҳимоя қилишни ташкил этади, кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан фракциянинг ягона позициясини ишлаб чиқади, фракция аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиришга кўмаклашади, партия электорати манфаатларини парламентда ҳимоя қилади. Яна бир эътиборли жиҳати — фракция ижрочи котиби Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёнида партия нуқтаи назари ва электорат манфаатлари эътиборга олинишида муҳим рол ўйнайди.

Ҳаракатлар стратегиясида маҳаллий Кенгашлардаги партиялар гуруҳларининг ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат қилишдаги ҳуқуқ-ваколатларини кенгайтириш белгиланган. Айни шу мақсадда "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Бунинг воситасида партиялар гуруҳлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини кўриб чиқиш, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш ҳақидаги таклифларни киритиш ваколатига эга бўлади.

Бундан ташқари, вилоят ҳокими туман ёки шаҳар ҳокимини тайинлашдан олдин номзодни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиялар гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказганидан кейин халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиясига тасдиқлаш учун тақдим этади. Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларига Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларига туман ёки шаҳар ҳокимлари, қоларверса, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг қониқарсиз фаолияти ҳақида хулосаларни тақдим этиш ҳуқуқи берилади. Буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг аҳолини ўйлантираётган муаммоларни самарали ҳал этиши, ҳудудларни ривожлантиришда фаол иштирок этишига мустаҳкам замин яратади, мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши тизимини тубдан такомиллаштиришда янги босқични бошлаб беради.

Бир сўз билан айтганда, Ҳаракатлар стратегиясининг барча йўналишида кўзда тутилган мақсад-вазифалар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг мукаммал даражада рўёбга чиқишини таъминлайди, мамлакатимизнинг жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олишида асосий дастурамал бўлиб хизмат қилади.

Олимжон ЎСАРОВ:

— Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жамиятимизнинг барча соҳасида амалга оширилган туб ислоҳотлар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш борасида юксак аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони мамлакатимиз ҳаётида катта воқелик бўлди. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаб берган мазкур ҳужжатда қайд этилган ҳар бир вазифа шу заминда яшаётган, эртанги кунга қатъий ишонч билан қараётган ҳар бир инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга ошириш, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ ҳар йили уни амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланиши уни ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширади. Зотан, Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.

Мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиет стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Хусусан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш каби долзарб вазифаларнинг амалга оширилиши бугунги кунимиз ва истиқболимиз учун ниҳоятда зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, миллий қонунчилигимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган нормалар мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашнинг замонавий талаблар ва халқаро стандартлар асосида кафолатларини кучайтиришга зарурат сезилмоқда. Зеро, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминламай туриб, асосий мақсад — одил судловни амалга ошириш, пировардида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга эришиб бўлмайди.

Ҳаракатлар стратегиясида суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процесси томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш, шунингдек, "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш бўйича муайян амалий чора-тадбирлар белгиланган жуда муҳим. Зеро, мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар асосида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш йўналишидаги ҳуқуқий ечимини топиши зарур бўлган қатор муҳим ва долзарб масалалар бўйича қонунлар қабул қилиниши, уларнинг зарур ижро механизмлари, аниқ дастур ва тизимлар жорий этилиши аҳолининг мамлакатимизда амалга оширилаётган оқилона сиёсатга ишончини янада оширади. Шунинг баробарида, бу дадил қадам ҳокимият тизимида судлар мустақиллигини янада мустаҳкамлайди ва одил судлов даражасини халқаро талаблар билан уйғунлаштириб, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда адолатли фуқаролик жамияти барпо этилишига бевосита хизмат қилади. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашнинг энг илғор, замонавий механизмларини жорий этиш, судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик, ундан сўнг муддатсиз даврини белгилаш назарда тутилгани халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва қоидалари, одил судлов стандартлари талабларига тўла мос келади.

Элдор ТУЛЯКОВ:

— Президентимизнинг шу йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштиришда энг долзарб масалалар ечими юзасидан аниқ вазифаларнинг белгилаб берилгани бу борада ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш масалалари назарда тутилади. Иқтисодиётнинг очиқлиги ва рақобатдошлигини ошириш, иқтисодий мустақилликни кучайтириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, молия-банк соҳасини тубдан ислоҳ этиш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, туризм тармоғини самарали ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш мақсадида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш режалаштирилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган ташқи сармоя бўйича юзага келадиган харажатларни камайтириш, Ўзбекистоннинг кредит рейтингини яхшилаш ҳамда юқори суверен рейтинг кўрсаткичларига эришиш мақсадида етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланади. Мазкур чоралар халқаро молиявий институтлар пул маблағларини жалб қилиш, молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси, жумладан, амалдаги "Хорижий инвестициялар тўғрисида"ги, "Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунларни танқидий таҳлил қилиш, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш натижасида тўғридан-тўғри амал қиладиган, инвестиция фаолияти, хорижий инвестицияларнинг кириб келишини қўллаб-қувватлайдиган, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайдиган "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимизга хорижий инвесторларни жалб этиш, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, бу борада мева-сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички бозорда улар нархи кескин ошишининг олдини олиш назарда тутилган. Мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши халқимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, қолаверса, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, пировардида, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Анора БОБОМУРОДОВА:

— Аввало, шуни айтиш жоиз, мазкур стратегия лойиҳаси кенг халқ муҳокамасидан ўтказилгани, турли соҳа вакиллари бўлган юртдошларимиз уни такомиллаштиришда фаол иштирок этгани унинг ҳар жиҳатдан пухта, ҳаётий, энг муҳими, халқимизнинг орзу-истакларига монанд бўлилишига замин яратди. Ҳаракатлар стратегиясининг беш босқичдаги йўналишларининг ҳар бири мамлакатдаги ислоҳотларни ва янгиланишларни янада чуқурлаштиришда ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳужжатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган тўртинчи йўналиши беш бўлимдан иборат. Унда аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, мамлакатимизнинг олис ҳудудларини ҳам электр энергия, газ билан таъминлашни янада яхшилаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги нуфузини ошириш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълимни сифат жиҳатдан янада бойитиш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Аҳолини доимий равишда ижтимоий ҳимоялашнинг энг биринчи шарти уларни иш билан таъминлашдир. Шуни инобатга олган ҳолда Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, ишга жойлашишга муҳтож шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган. Айниқса, ўрта махсус ўқув юртлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, яъни шартномани диплом олиш учун эмас, балки ҳақиқий ишлаш учун тузиш тизимини тўғри шакллантириш ва унинг бажарилишини назорат қилиш қатъий белгилаб қўйилди. Агар коллеж битирувчиси ишга жойлашгандан кейин у билан меҳнат шартномаси бекор қилинадиган бўлса, бу фақат меҳнат органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ҳаракатлар стратегиясида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида белгиланган мақсад-вазифалар аҳоли саломатлигини, миллат генофондини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда оилавий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари, патронаж ҳамшираларнинг масъулиятини ошириш, аҳоли қатламлари билан ҳамкорлигини тўғри ташкил этиш лозим.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондиришнинг энг қулай ва мақбул йўлидир. Бунда, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшовчилар ва фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бошқа тоифалари эътиборга олиниши, уларга имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратилиши аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати янада яхшиланишига хизмат қилади.

Жисмонан соғлом, маънан етук ёш авлод эртанги кунимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ҳаракатлар стратегиясида руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Албатта, келгуси беш йилга мўлжалланган ушбу мақсад-вазифалар мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттиришда муҳим омил бўлади.

Бир сўз билан айтганда, Ҳаракатлар стратегияси мамлакатни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, халқимиз орзу-умидларини реал амалга ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинлигини таъминлаш учун асосий концепция бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, бу ислоҳотларнинг барчаси одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Алишер ҲАМРОЕВ:

— Бугун жамият ҳаётининг барча соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамланиб, давлатимиз суверенитети, чегараларимиз дахлсизлиги таъминланди. Жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳити ҳукмрон. Юртимизда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини таъминлаш энг олий мақсадга айланди.

Ҳаракатлар стратегиясининг "Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш" деб номланган бешинчи йўналишида ҳам айни масалалар қамраб олинган. Унда юртимизнинг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва қобилиятини оширишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга қаратилган вазифалар белгиланган. Бу борада, хусусан, киберхавфсизлик соҳасида ахборот, меъёрий-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек, Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш масаласига кенг ўрин берилгани бежиз эмас. Чунки Бош қомусимизнинг 18-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Бугун юртимизда 130 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари ўзаро инок, дўст бўлиб яшаб келмоқда. Миллатлараро тотувлик қарор топган жамиятда эса тинчлик ва фаровонлик бўлади, шу юртнинг барча фуқароси бир замин, бир Ватанда олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясида хорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир "Йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2017 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилмоқда. Айтиш керакки, белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш учун Президентимиз бошчилигида Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия тузилмоқда. Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш Ҳаракатлар стратегияси бешта йўналишининг ҳар бири бўйича тузилган комиссиялар зиммасига юклатилган.

Бу, ўз навбатида, депутатлар зиммасига ҳам улкан вазифа юклайди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилишда фаоллик кўрсатишимиз, айниқса, ҳудудларга чиққанимизда бевосита ҳарбий қисмларда бўлиб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан мулоқотлар ўтказиш, соҳада мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг ечими бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқишимиз талаб этилади. Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унда белгиланган вазифаларни атрофлича тушунтириш олдимизда турган энг муҳим вазифалардандир.

"Milliy tiklanish" мухбирлари Муҳатарама КОМИЛОВА, Аҳмад ЮСУПОВ ёзиб олди

АҲОЛИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

ЎРГАНИШЛАР НАТИЖАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Жиззах. Парламент аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларидан иборат гуруҳлар Ғаллаорол туманидаги давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, таълим ва тиббиёт муассасалари фаолияти билан танишиб, маҳалла фаоллари, тадбиркор ва фермерлар, ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқот ўтказди. Мулоқотлар давомида қабул қилинган қонунлар, Президентимиз фармон ва қарорларининг ижроси, тадбиркорликни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражасини оширишга тўсиқ бўлаётган камчилик ва нуқсонлар ўрганилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Қодиров тумандаги корхона, ташкилот, муассаса ва хонадонларда бўлиб, одамлар фикри ва эҳтиёжи билан қизиқди. Фаоллар, фуқаролар йиғинлари раислари, таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари, тадбиркорлар, фермерлар билан учрашувларда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг моҳияти ҳақида сўз юритилди. Аҳоли кўп мурожаат қиладиган давлат идоралари фаолиятида одамлар билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан янгича ёндашувга эътибор қаратилиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг аҳоли билан яқиндан мулокоти ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, муаммоларга жойида ечим топишга хизмат қилиши таъкидланди.

Тумандаги "Булоқбоши", "Гулистон", "Маданият", "Лалмикор" ва "Оқтом", "Кўкбулоқ" ва бошқа қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги аҳоли хонадонларида бўлиб, мулоқотлар чоғида одамларни ўйлантираётган, шунингдек, ҳудудга хос масалалар ўрганилиб, уларни тегишли мутасадди ташкилотлар кўмагида ҳал этишга эътибор берилди.

Истиқлол йилларида таълим тизимини такомиллаштириш, таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Бугун нафақат марказ, балки чекка ҳудудларда ҳам замонавий кўринишдаги таълим муассасалари бинолари қад ростлаб, уларда ёш авлод вакилларининг кенг билим олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш учун замонавий шароит яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар эса ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Ўн кун давом этган ўрганишларда ушбу соҳа бўйича ҳам ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар белгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, тумандаги қатор таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишув жараёнида айрим мактабларда ошхона, тиббиёт хонаси, спорт зали мавжуд эмаслиги ёхуд талаб даражасида эмаслиги, бинолар жорий таъмирлашга муҳтожлиги, синф хоналари газ босими пастлиги сабабли яхши иситилмаслиги таҳлил қилинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар белгиланди.

— Мамлакатимизда таълим тизимини янада ривожлантириш, ўқув муассасаларини замон талабларига мослаштиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди 78-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори Одил Шерқулов. — Бу, албатта, келажагимиз эгаларини ҳар томонлама комил инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Соҳада амалга оширилаётган тизимли ишлар қаторида ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам талай эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, бизнинг мактабимизда информатика фани учун алоҳида хона ташкил этилиб, йигирмага яқин компьютер жамланмаси ўрнатилган ва улар ZiyoNet тармоғига уланган. Аммо мактаб кутубхонасида ўқувчиларнинг ўқишдан ташқари мутолааси учун мавжуд адабиётлар бор-йўғи бир неча юзтани ташкил этишини қандай изоҳлаш мумкин? Бундан ташқари, мактабимиз спорт зали яроқсиз аҳволга келиб қолгани боис туман Санитария эпидемиология назорати маркази томонидан муҳрланиб, фойдаланишдан тўхтатилган. Қолаверса, очиқ спорт майдончасини ҳам бугунги замон талаби даражасида қайта барпо этиш талаб этилади. Ушбу учрашувда мурожаатимизни ҳал этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга аниқ вазифа юклатилиб, ижроси назоратга олинди. Уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши таълим сифати ошиши ва ўқувчиларимиз учун шароитлар яратилишига замин бўлади.

— Парламент аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларидан иборат гуруҳлар таркибида Ғаллаорол туманидаги давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, таълим ва тиббиёт муассасалари фаолияти билан танишдик, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Қодиров. — Аҳоли хонадонларига кириб, улар билан суҳбатлашдик. Жумладан, ўрганиш давомида туманнинг бир қатор қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳаллалар, мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаблари, қишлоқ хўжалиги ва саноат касб-ҳунар коллежларида бўлдик. Маҳалла фаоллари, тадбиркор ва фермерлар, таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари билан мулоқот қилдик. Суҳбатлар давомида жойларда юзага келаётган муаммолар, аҳоли турмуш даражасини оширишга тўсиқ бўлаётган камчилик ва нуқсонлар ҳақида фикрлашдик.

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларининг Ғаллаорол туманидаги ўн кунлик ўрганишининг натижалари халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ҳамда фаоллари иштирокида муҳокама қилинди.

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ — УСТУВОР ВАЗИФА

Наманган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Акмал Раҳмонов, Шухрат Тўхтабоев ва Нодиржон Мухторов Чуст туманида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аҳоли яшаш шароитлари билан танишди. Аҳолининг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга муносабатини ўрганиш ва уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида тумандаги Ғова, Варзик ва Ахча қишлоқларида яшовчи оилаларда бўлган депутатлар уларнинг яшаш шароитлари билан танишиб, мурожаатларини тинглади.

— Тумандаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини, хонадонларда бўлиб, одамлар фикри ва эҳтиёжларини ўргандик, — дейди депутат Акмал Раҳмонов. — Мулоқотларда кўтарилган кўплаб масалалар ижобий ҳал этилди. Қишлоқ врачлик пунктлари ҳолати, тиббий хизмат сифати, умумтаълим мактабларида ўқитиш жараёни самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар мазмун-моҳияти бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда депутатларнинг халқ билан юзма-юз мулоқот қилиб, мавжуд муаммоларни яқиндан ўрганаётгани фуқаролар томонидан ўртага ташланаётган масалаларга тўғри ва ўз вақтида ечим топиш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашда, қолаверса, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган эзгу ғоя-мақсадлар ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлган Варзик қишлоғи Улуғбек кўчасида яшовчи Суяркул Мирзаевнинг мурожаатида ҳудудда яшовчи ўқувчилар мактабга қатнаши учун узоқ йўл босишга тўғри келиши, бу эса бир қатор қийинчиликларни туғдираётгани айтилади. Ушбу муаммони айни пайтда бўш турган божхона пости биноси ўрнида бошланғич таълимга мўлжалланган мактаб ташкил этиш билан ҳал этиш мумкинлиги таклифи билдирилди. ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шухрат Тўхтабоев ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан мазкур мурожаат юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилди ва туман ҳокимлигига мактаб филиалини очиш бўйича таклиф киритилди.

Ушбу масала партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилиш каби мақсад-вазифаларимизга ҳамоҳанг эканлиги билан эътиборга молик.

Чуст туманидаги Ахча қишлоғи Еттиқўрғон маҳалласи аҳолиси билан учрашувда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлар ўз фаолиятини кенгайтириш, ер ажратиш, кредит олиш ва бошқа масалалар юзасидан депутат Нодиржон Мухторов ва туман ташкилотлари раҳбарларига мурожаат қилиб, саволларига жавоб олди.

— Президентимизнинг халқ билан мулоқот ўтказишни давлат органлари олдига энг

муҳим вазифа сифатида қўяётгани кўплаб муаммоларимизни ҳал этишнинг ишончли йўли эканига учрашувда тўла амин бўлдим, — дейди ҳунарманд Фуркат Жўраев. — Тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтириш учун қўшимча жой ажратиш бўйича мурожаат кўпдан буён ҳал этилмай келар эди. Ушбу учрашувда мурожаатимизни қонуний ҳал этиш юзасидан туман архитектура ва қурилиш бўлими раҳбари ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини раисига аниқ вазифа юклатилиб, ижроси назоратга олинди.

Самимий учрашувлар давомида кўпни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга қайвони отахону онахонлар ушбу ҳайрли мулоқотлар ташаббускорларига ўз дил изҳорларини билдирдилар.

— Президентимиз ўзининг ҳар бир чиқишида ёши улуғ кексаларга аҳоҳида ҳурмат кўрсатади, — дейди Ахча қишлоғилик 90 ёшли Чехназар ота Ҳакимов. — Мамлакатимизда кексаларга ғамхўрлик қилиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига, содда қилиб айтганда, халқимизга хос юксак фазилатлардан бирига айланган. Айниқса, 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб номланиши халқ вакили бўлган депутатларнинг аҳоли билан кўпроқ мулоқотда бўлиш, аҳолини ўйлантираётган саволлар, ечимини кутаётган муаммоли масалаларни бартараф этишга ёрдам бермоқда.

Учрашувларда жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, эришилаётган ютуқлар кўлами ва салмоғини янада ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, ёшлар таълим-тарбияси, бандлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўн кун давом этган ўрганиш натижалари туман Кенгаши депутатлари ва фаоллари иштирокида муҳокама этилди.

МУАММО, ЕЧИМ ВА САМАРА

Самарқанд. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Сиддиқ Номозов, Марҳабо Ғафурова, Алишер Ҳамроев, Азамат Пардаев ва Шерзод Тўхташев Иштихон туманидаги "Чимқўрғон", "Бўстон", "Янгикент" ва "Чакар" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан юзма-юз мулокот қилди.

Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йилидаги асосий вазифалар, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилги асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар учрашувлар мавзусини ташкил этди. Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, қурилиш, ободонлаштириш, халкимиз учун янада қулай турмуш шароити яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

— Очиқ ва самимий мулоқотлар чоғида таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ масалаларга ҳам дуч келдик, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Марҳабо Ғафурова. — Хусусан, айрим мактабларда совуқ кунларда иситиш тизими билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Масалан, тумандаги "Зарбанд" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган бир нечта мактабда синфхоналар етарли даражада иситилмаётганига гувоҳ бўлдик. Бундан ташқари, тумандаги 14-, 67, 40-умумтаълим мактабларида табиий газ ҳамда ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар аниқланди. Айрим умумтаълим мактаби бинолари капитал таъмирга муҳтож бўлса, баъзилари ўқув-лаборатория воситалари билан тўлиқ жиҳозланмаган. Ушбу масалалар юзасидан мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови билан мурожаат қилинди.

Мулоқотларда маҳаллаларда ечимини кутаётган муаммолар, қурилиш ишлари, кўча ва йўлларни таъмирлаш, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Тумандаги "Чордара" ва "Файзиобод" қишлоқ фуқаролар йиғинларида мактабгача таълим муассасаларига талаб юқори экани қайд этилди. Мазкур ҳудудлар аҳолисининг бу борадаги талаблари ўрганилди. Бу бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилиб, тегишли хулоса чиқарилди.

Мактабгача таълим муассасаларида бўлиб, тарбияланувчиларга яратилган имкониятлар, уларнинг амалий машғулотлар билан қамраб олинганлик даражаси, гуруҳдаги болалар сони белгиланган меъёрга мувофиклиги, овқатланиш рациони, муассасадаги санитария ҳолати билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар белгиланди.

Фракция аъзолари чекка қишлоқ ва маҳаллалардаги хонадонларда бўлиб, аҳолининг мурожаат ва муаммоларини ўрганди.

— Депутатларнинг уйимизга келиб, ҳаёт тарзимиз билан бевосита танишиши бизни беҳад қувонтирди, — дейди Нуробод қишлоғида яшовчи Шавкат Ҳотамов. — Асосан, чорвачилик билан шуғулланамиз. Охирги пайтларда фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштираётган эдик. Депутатлар билан мулокотда ушбу мақсадимизни айтганимиз ва бу жараёнда "Агробанк"нинг туман филиали раҳбарияти ҳам иштирок этгани айни муддао бўлди. Шу жойнинг ўзида чорвачилик фаолиятимизни кенгайтириш учун банкдан имтиёзли кредит олишга келишиб олдик — масаламиз осон ҳал бўлди.

Учрашувларда туман аҳолисини ўйлантираётган турли масалалар ўрганиб чиқилди, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ўртага ташланди. Дарҳақиқат, аҳоли билан ўтказилаётган бу каби мулоқотлар ҳудудларда ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни ижобий ва қонуний ҳал этишга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, халқнинг ўзи сайлаган депутатга, қолаверса, маҳаллий вакиллик органларига бўлган ишончи ортишига, ўз турмушидан рози бўлишига хизмат қилади.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Қашқадарё. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аҳоли турмуш тарзи билан танишди.

Учрашувларда аҳоли, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, фермерлар ўз фаолиятини кенгайтириш, ер ажратиш, кредит олиш ва бошқа масалалар юзасидан сенатор ва депутатлар, вилоят ташкилотлари раҳбарларига мурожаат қилиб, саволларига жавоб олди. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлашга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳамда аҳолини ўйлантириб келаётган долзарб масалалар ҳар томонлама ўрганилиб, уларга жойида ечим топишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари Акмал Саидов, Ўрол Ҳаитов, Дилфуза Жалилова ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари тумандаги давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, таълим ва тиббиёт муассасалари фаолияти билан танишди. Ҳудудлардаги аҳволни ўрганиш жараёнида аҳоли хонадонларига кириб, улар билан суҳбатлашди.

"Чияли" ва "Қумдарё" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудини ўрганиш жараёнида тадбиркорликни ривожлантириш, банкмолия муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинди.

Учрашувлар чоғида бир қатор масалаларга ечим топилди. Масалан, "Қумдарё" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Оқтўнли қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳайитгул Шовқулова иккинчи гуруҳ ногирони. Айниқса, турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг оилада етишмовчиликлар кўпайди. Ушбу хонадонда бўлган депутат ва сенаторлар шароитни ўрганиб, Ҳайитгул Шовқуловага Халқ банкининг туман филиали томонидан чорвачилик учун имтиёзли кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатишга келишиб олдилар.

— Фарзандларим билан қандай ишнинг бошини тутишни билмай юрган эдик, — дейди Ҳайитгул Шовқулова. — Сенатор ва депутатлар уйимизга келиб, ҳолимиздан хабар олганидан, очиғи, жуда хурсанд бўлдик. Улар чорвачилик учун имтиёзли кредит олишимизни маслаҳат бериб, бунинг учун зарур ёрдам кўрсатилишини айтди. Орзуларимиз ушалса, оилавий тадбиркорликни йўлга қўямиз.

"Аннаруз" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Холиқ Диёров ҳовлисида иссиқхона ташкил этиб, унда лимон, полиз маҳсулотлари етиштирмоқда. Депутатлар билан мулоқотдан сўнг унинг фаолияти янада кенгаядиган бўлди. Тадбиркорга 30 сотихдан зиёд ер майдонининг бир қисмига мевали дарахт, яна бир қисмига эса токнинг турли навларини ўтказиш учун банкдан имтиёзли кредит ажратилади.

Туманнинг "Тўқмор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бўлган гуруҳ вакиллари ҳам аҳолининг мурожаат ва муаммоларини ўрганди.

Ўтган йили Чироқчи иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини битирган Дилобар Бекмуродова турли ширинликлар тайёрлаб, кичик бизнес билан шуғулланмоқда. Айни пайтда у банкдан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тикувчилик цехи очиш ҳақида ўйлаб юрарди. Лекин гаров таъминоти йўқлиги боис, мақсадига эриша олмаётган эди. Ёш тадбиркорнинг бу ниятини эшитган депутатлар ва туман ҳокимлиги вакиллари бу борада уни қўллаб-қувватлашга ваъда берди.

— Фақат телевизорда кўриб юрган депутатларнинг хонадонимизга келиб, муаммоларимизни ўрганаётгани ва уларни ҳал этишда амалий кўмак бераётгани, айниқса, биз, ёш тадбиркорларни янги мақсадлар сари руҳлантирмоқда, — дейди Дилобар. — Президентимиз ташаббуси билан бундай эзгу ишлар амалга оширилаётгани ҳаётимизнинг янада фаровон бўлишига, Ўзбекистонимиз тараққиётига хизмат қилади.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари тумандаги барча таълим ва тиббиёт муассасалари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишди. Аҳоли хонадонларида бўлиб, улар билан мулоқотда маҳаллаларда ечимини кутаётган муаммолар, қурилиш ишлари, кўча ва йўлларни таъмирлаш, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

— Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатларидан иборат гуруҳлар таркибида аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиб, мавжуд муаммоларни яқиндан ўрганганимиз фуқаролар томонидан ўртага ташланаётган масалаларга тўғри ва ўз вақтида ечим топиш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Ўрол Ҳайитов. — Суҳбатлар давомида жойларда юзага келаётган муаммолар, оилалар фаровонлигини юксалтиришга тўсиқ бўлаётган камчиликлар хусусида атрофлича фикр алмашдик, ўз тавсияларимизни бердик. Бу қонун ижодкорларининг жойларда ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиши, қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини ўрганиши, аҳолининг талаб ва таклифларини эшитган ҳолда келгуси вазифаларни белгилаб олишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўз мухбирларимиз

MILLIY TIKLANISH
7 (439) 2017 йил 15 февраль, чоршанба

ЎзМТДП ташкилотларида

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Шундан 651 таси маънавий-маърифий руҳдаги давра суҳбати, учрашув ва тадбирлар бўлиб, партия сайловолди Дастурида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим ўрин тутади. Бунинг натижасида бошланғич партия ташкилотлари сони 383 тага, партия аъзолари сони 14 минг 316 нафарга етди. Шундай бўлса-да, келгуси фаолиятимизда партия Марказий кенгаши Пленумида тадбирларни ташкил этиш бўйича билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиқиб, ортиқча дабдабаларсиз, ишчанлик руҳидаги, мазмунан бой, амалий натижа берадиган тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Кенгайтирилган йиғилишда партия ташкилотлари ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ЎзМТДП сайловолди Платформасини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган фаолияти танқидий таҳлил қилинди.

2016 йилда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлар томонидан 55 та депутатлик сўрови, партия гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят Кенгаши йиғилишларида 23 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Доимий комиссиялар йиғилишларига 4 таклиф олиб чиқилиб, қарор қабул қилинишига эришилган. Халқ депутатлари Ангрен, Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Бўка, Паркент, Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ, Оққўрғон туман Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари сессиялар кун тартибига ташаббус-масалалар киритиб, тегишли қарор қабул қилинишига эришган. Бироқ халқ депутатлари Бекобод, Зангиота, Пискент, Қуйи Чирчиқ туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари сессияларга бирорта ҳам масала олиб чиқмаган.

Партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда депутатлар 2016 йилда оммавий ахборот воситаларида жами мингдан зиёд чиқиш қилди, ўтказилган тадбирлар ёритилди. Лекин шундай бўлса-да, партия Юқори Чирчиқ, Қибрай, Бўка туманлари ва Чирчиқ шаҳар кенгашларининг фаолияти оммавий ахборот воситаларида жуда кам ёритилган. Жорий йилги фаолиятда ОАВдаги чиқишлар сони ва сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Чунки партия дастурий ғоялари тарғиботида оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар муҳим ўрин тутади.

Кенгайтирилган йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов сўзга чиқди.

— ЎзМТДП ғояси, мақсад-вазифаларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, миллий тикланиш оқали ривожланган замонавий демократик жамият сари шиори остида жипслашган ҳолда сафимизни янада кенгайтиришга бор имконият, куч ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз лозим, — деди партия раҳбари. — Бу эса, албатта, барчамизга катта масъулият юклайди. Партия тизимида фуқаролар, сайловчилар ва электорат билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали усул ва механизмларини татбиқ қилиш, бу муҳим жараёнга партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳамжиҳатликда масъулият билан қараши талаб этилади.

Таъкидланганидек, ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини тўлатўкис амалга ошириш, электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия гуруҳлари фаоллиги етакчи ўрин тутади. Бу жараёнда партия гуруҳлари ҳамда депутатлар ваколатларидан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятларини янги босқичга кўтариши лозим.

Кенгайтирилган йиғилишда кун тартибига қўйилган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, якунда тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Бухоро. ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кенгайтирилган йиғилишда вилоят кенгаши раиси Саиджон Ҳамроев партия ҳудудий ташкилотининг 2016 йилги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида сўз юритиб, бу борада амалга оширилган ишлар, фаолиятда учраган баъзи камчиликлар, уларни бартараф этиш ва юқори кўрсаткичларга эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларга эътибор қаратди.

— Ҳисобот даврида партия дастурий мақсад-вазифаларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб-ташвиқ этиш, партия ғояларига ишонган янги аъзоларни сафимизга қабул қилишда сезиларли натижаларга эришдик, — деди Саиджон Ҳамроев. — Бу борада, айниқса, партия вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг фаолияти эътиборга молик. 2016 йилда партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан турли мавзу ва форматдаги тадбирлар ташкил этилди.

Тадбирларнинг деярли барчасида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва Сенат аъзолари иштирок этди. Бу эса халқ вакиллари билан аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ўзаро фикр алмашиш ҳамда уларни ўйлантираётган муаммолар ечимини топишга имкон яратди.

Йиғилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳларининг ўтган йилдаги фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ЎзМТДП ҳудудий кенгаши халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи билан ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида урғу бермоқда. Бунинг самарасида "Бухоро шаҳрининг археологик объектларини ва шаҳар ёшининг қадимийлигини янгидан ўрганиш тўғрисида"ги ва "Бухоро вилоятида болалар спортини ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисида"ги масалалар халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Шу билан бирга ўз ваколатидан самарали фойдалана олмаган партия гуруҳлари танқидий-таҳлил қилиниб, депутатларнинг кенг омма билан ишлашдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, халқ депутатлари Олот, Қоровулбозор, Бухоро туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг фаолияти қониқарли даражада эмаслиги, уларда ташаббускорлик етишмаётгани, партия ташкилотлари эса партия гуруҳлари ишини етарли даражада мувофиқлаштира олмаётгани танқид қилинди.

Жорий йилда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда янада фаол ва ташаббускор бўлиши лозимлиги таъкидланди. Бунда энг асосийси, аҳолининг кенг қатламлари билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни ўйлантираётган масала-муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосда депутатлик сўрови, сессиялар ва доимий комиссиялар кун тартибига ташаббус-масала олиб чиқишга эътибор қаратиши зарур. Буни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Кенгайтирилган йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев сўзга чиқди.

— Аҳоли билан доимий мулоқот, муаммоларга ўз ўрнида ечим топиш — сиёсий куч сифатида партия ва унинг депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди, — деди Марказий кенгаш раиси ўринбосари. — Бу, ўз навбатида, сайловчилар ишончининг ортишида муҳим ўрин тутади. Шу боис бугун партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ҳар бир мақсад-вазифалар ижросига виждонан ва масъулият билан ёндашиб, замон талабларига мос тарзда иш олиб бориши лозим. Бундан ташқари, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг электорат манфаатлари билан боғлиқ муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш бўйича ташаббускорлигини янада ошириш, бу борада қонуний ваколатлардан унумли фойдаланиш, айниқса, вакиллик органларида маҳаллий ҳокимликлар мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш амалиётини кенг йўлга қўйиш долзарб аҳамият касб этади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Андижон. ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши ҳам партия Марказий кенгаши Пленумида белгиланган вазифалар, 2016 йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, шу билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар, 2017 йилдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилишда ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Ҳамиджон Омонов маъруза қилди.

Таъкидланганидек, 2016 йилда ЎзМТДП сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Тарғибот ишлари натижасида бошланғич партия ташкилотлари 422 тага етди. Бироқ партия Андижон, Булоқбоши, Қўрғонтепа, Пахтаобод туман кенгашлари самарали тадбирлар ташкил этишда сусткашликка йўл қўйган. Андижон шаҳар, Олтинкўл, Хўжаобод, Шаҳрихон, Андижон туманларидаги бошланғич ташкилотларда партия дастурий мақсад-вазифаларини тарғиб этиш самарали йўлга қўйилмаган.

Кенгайтирилган йиғилишда партия гуруҳлари фаолияти муҳокама этилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига "Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси ижроси тўғрисида"ги масалани киритиб, вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарининг ахбороти эшитилди. Сессияда тегишли қарор қабул қилиниб, вилоят ҳокими ўринбосари, архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ҳамда бир қатор мутасадди ташкилотлар раҳбарлари зиммасига вилоятда янги уй-жойларни лойиҳалаштиришда миллий меъморлик анъаналарига риоя қилиш, қурилиш безаклари ва орнаментларига алоҳида эътибор бериш ҳамда бинолар қурилиши жараёнида маданий мерос объектларига зарар етказмаслик каби муҳим вазифалар юкланди. Бундан ташқари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташаббуси билан сессиялар кун тартибига партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, ўттизга яқин масала киритилди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова сўзга чиқди.

— Сиёсий партиянинг жамият ҳаётида мустаҳкам ўринга эга бўлиши, унинг ғоялари одамларга етиб боришида сайловолди Платформада белгиланган мақсад-вазифаларнинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга, — деди Феруза Муҳаммаджонова. — Шу нуқтаи назардан партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партиянинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқ ва ваколатидан унумли фойдаланиши зарур.

Кенгайтирилган йиғилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари Ҳусанбой Жўраев, Одилжон Ботиров, Садбархон Маметова, Акбаржон Жўраев партия сайловолди Платформасини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва депутатлик назоратини амалга оширишда партия ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари ҳамкорлигини самарали ташкил этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Кенгайтирилган йиғилиш якунида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Сурхондарё. ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, партия вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Йиғилишда партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг 2016 йилдаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди.

— ЎзМТДП сайловолди Платформасини амалга ошириш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишда партия Сурхондарё вилоят кенгашининг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик масалаларига жиддий эътибор қаратиши лозим, — деди партия вилоят кенгаши раиси Баҳодир Худойқулов. — Дастурий мақсад-вазифаларимиз ижросини таъминлашда партия ташкилотлари билан депутатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бу йилги фаолиятимизда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Кенгайтирилган йиғилишда партия Марказий кенгаши Пленумида белгиланган вазифалар, партия тизимида амалга оширилган ишлар, эришилган натижа ва йўл қўйилган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, ҳисобот даврида ЎзМТДП ғояларини оммавий ахборот воситалари оқали тарғиб қилишни яхшилаш борасида чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Партия фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, партия билан жамоатчилик ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш борасида Термиз шаҳри, Бойсун, Узун ва Ангор туман кенгашлари самарали фаолият олиб борди.

Партия тизимида ўтказиб келинаётган "Оилалар саодати — мустақиллик самараси", "Президент асарлари билимдони" лойиҳаси доирасида "Сиз Президент асарларини биласизми?" мавзусидаги кўрик-танловларнинг республика босқичларида ҳам вилоят вакиллари яхши натижаларга эришди.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари ҳисобот даврида 471 депутатлик сўровини амалга оширди. Бироқ вилоят кенгашидаги партия гуруҳи сессия кун тартибига бирорта ҳам масала киритмаган. Мазкур партия гуруҳи дастурий мақсад-вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда ўз имкониятларидан етарлича фойдалана олмаётгани таъкидланди.

Кенгайтирилган йиғилишда партия фаоллари ва депутатларнинг йўл қўйган камчиликлари ва фойдаланилмай қолган имкониятлари ҳақида сўз борар экан, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Олтинсой ва Термиз туман партия ташкилотлари фаоллари ва партия гуруҳлари ЎзМТДП сайловолди Платформасини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва депутатлик назоратини олиб боришда сусткашликка йўл қўйгани танқид қилинди. Уларга тегишли тавсиялар берилди ва чора-тадбирлар белгиланди. Ҳисобот даврида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги мавжуд 12 партия гуруҳидан атиги 3 таси, яъни Узун, Қизириқ ва Шеробод туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари сессиялар кун тартибига масалалар киритиш ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинишига эришганига эътибор қаратилиб, улар фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида кучайтириш ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди.

Кенгайтирилган йиғилишда Олий Мажлис Сенати аъзоси Шоҳида Орипова, партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси котиби Хусниддин Ражабов сўзга чиқди. Таъкидланганидек, депутатлик фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши бу — фуқаролар мурожаатлари, қонунлар ва ҳукумат қарорларининг ижроси юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари билан мурожаат этиб, муайян вазифаларни ҳал этишдир. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш партия ташкилотлари ва депутатлардан изланувчанлик, ташаббускорлик, ўз фаолиятига нисбатан талабчанлик ва танқидий ёндашувни тақозо этади.

Шунингдек, кенгайтирилган йиғилишда партия фаолиятига оид бошқа масалалар танқидий кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг 2016 йил устав фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида

ҲИСОБОТ

Партия ўз молиявий хўжалик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сонли қарори билан тасдиқланган "Сиёсий партияларнинг устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомга, ўз Устав ва Дастурига мувофиқ амалга оширди.

Партия аъзолар сони **190 374** нафар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси депутатлар сони **35** нафарни ташкил этган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Уставига мувофиқ партия фаолиятини молиялаштириш манбалари — аъзолик бадаллари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган хайрия ёрдамлари ва амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа барча тушумлар ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан иборат.

2016 йил 29 февралда партия Марказий кенгаши V Пленумида харажатлар сметаси ва штат жадваллари 580,5 нафар ходим миқдорида тасдиқланди.

2016 йилда партия ҳисоб рақамларига **15 миллиард 421 миллион 331 минг сўм** миқдорида маблағ келиб тушди. Жумладан, партиянинг Устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджетидан 12 миллиард 939 миллион 072 минг сўм, Президент сайловига 958 миллион 350 минг сўм, аъзолик бадаллари 1 миллиард 111 миллион 524 минг сўм, ҳомийлик, хайрия ва бошқа тушумлар 412 миллион 385 минг сўмни ташкил этди.

2016 йилдаги партиянинг сарф-харажати **13 миллиард 221 миллион 447 минг сўмни** ташкил этди:

Шу жумладан, ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатларига 11 миллиард 218 миллион 478 минг сўм;

партиянинг матбуот органига ёрдам кўрсатиш харажатларига 150 миллион сўм;

партия аъзоларининг ОАВда чиқишини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш харажатларига 470 миллион 840 минг сўм;

Конференциялар ва Съезд ўтказиш харажатларига 18 миллион 308 минг сўм;

партия фаолларини ўқитиш, семинар, тренинглар ўтказиш харажатларига 14 миллион 050 минг сўм;

мол-мулкни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатлари 555 миллион 333 минг сўмни ташкил этди.

Бошқа харажатларга 112 миллион 616 минг сўм сарфланган.

Бундан ташқари, Президент сайловида иштирок этиш учун давлат бюджетидан 681 миллион 823 минг сўм номзоднинг сайловолди ташвиқоти учун сарфланди. Фойдаланилмаган 276 миллион 527 минг сўм давлат бюджетига қайтарилди.

Партиянинг ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар тасдиқланган харажатлар сметаси асосида сарфланди. Харажатлар сметасининг бажарилиши юзага келган вазиятга қараб, ўрнатилган тартибда Марказий кенгаш Пленуми ва Ижроия қўмита йиғилишларида ўзгартирилди ва қўшимчалар киритилди.

Партиянинг молиявий фаолияти бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат статистика, солиқ ва бошқа идораларга ҳисоботлар тақдим этиб турилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига 2017 йил учун давлат бюджетидан 14 миллиард 153 миллион 998 минг сўм ажратилди.

2017 йил 1 январь ҳолатига аъзолар сони 196 109 нафарни ташкил этиб шундан, аъзолик бадали тўловчилар 72 731 нафарни ташкил этмоқда. Йиллик аъзолик бадали 1 миллиард 440 миллион 923 минг сўм, ҳомийлик, хайрия ёрдамлари ва бошқа тушумлар 98 миллион 200 минг сўм бўлиши режалаштирилди. 2017 йил 1 январь ҳолатига махсус ҳисоб рақамдаги қолдиқ 2 миллиард 288 миллион 670 минг сўмни ташкил этиб, жами даромадлар 3 миллиард 827 миллион 793 минг сўм бўлиши кўзда тутилмоқда.

2017 йилдаги жами даромад 17 миллиард 981 миллион 791 минг сўм ташкил этмоқда.

Харажатлар қуйидагича:

Партиянинг барча бўғинидаги кенгашларнинг иш ҳақи фонди ва иш ҳақидан ажратмалар билан боғлиқ харажатлар 13 миллиард 987 миллион 957 минг сўмни ташкил этмоқда.

Партия аъзоларининг ОАВда чиқишини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш, партия фаолларини ўқитиш, семинар, тренинглар ўтказиш, мол-мулкни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатлари ва бошқа харажатлар 3 миллиард 993 миллион 834 минг сўмни ташкил этади.

14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА МУМТОЗ ШОИР

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов асос солган миллий меросимизни тиклаш, буюк аждодларимизнинг инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган асарлари мазмун-моҳиятини кенг ёйиш, ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар бугун изчил давом эттирилмоқда. Бу жараёнда буюк давлат арбоби, қомусий аллома, ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти, серқирра фаолияти ва ижодий мероси халқимизнинг шонли тарихида, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга.

Истиқлол йилларида улуғ шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тадқиқ қилиш, номини абадийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Андижонда "Боғи Бобур" мажмуаси барпо этилиб, унинг рамзий қабр-мақбараси қад ростлади. "Бобур ва жаҳон маданияти музейи" ташкил этилди. Вилоят марказида адибнинг ҳайкали ўрнатилди. Бугун Бобур шоҳ кўчаси Андижон шаҳридаги энг обод кўчалардан биридир. Андижон давлат университети, вилоят театри ва кутубхонаси унинг номи билан юритилади. Бобур ёдгорлик музейи фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бобур номидаги медали,

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан Бобур халқаро мукофоти таъсис этилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йили андижонлик сайловчилар билан учрашувда Бобур Мирзонинг Ватанимиз тарихидаги ўрни ва ижодий меросига, умумбашарият тараққиётига қўшган ҳиссасига юксак баҳо берди. Мутафаккирнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотларни жамлаш, хорижда сақланаётган ноёб асарларини излаб топиш ва уларни юртимизга қайтаришдек хайрли ишларда фаол иштирок этаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва илмий экспедиция амалга ошиган ишлар қамровини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда буюк шоир меросини ўрганиш борасида қилинаётган ишлар халқимизнинг улуғ аждодимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин намунасидир.

...14 февраль тонгида Андижон аҳли байрам шукуҳи билан уйғонди. Тонгданок "Боғи Бобур" мажмуаси нафақат вилоят аҳли, балки юртимизнинг турли ҳудудларидан келадиган юртдошларимиз, хорижлик сайёҳлар билан гавжум бўлди. Бу ерда улуғ бобокалонимиз таваллудининг 534 йиллигига бағишланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Шоир ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштиришга, жумладан, Бобурнинг беназир шахси, бетакрор ижодини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шоирнинг бетакрор шеърияти, Шарқ халқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, табиати ва қадриятлари ҳақида муфассал маълумот берувчи, инсонни комилликка ундовчи асарлари ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон маданияти, илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти беҳаловат ўтса-да, ижодни унутмади, аксинча, адабиёт, мусиқа, тарих, география ва бошқа фанлар ривожига хизмат қиладиган дурдона асарлар яратди. Умрининг асосий қисми Ватандан олисда кечган бўлса-да Бобур бутун умри давомида Ватанига бўлган муҳаббатини қалбида сақлайди. Шу боис ҳам у:

Чархнинг мен кўрмаган
жабру жафоси қолдиму?!
Хаста кўнглум чекмаган
дарду балоси қолдиму?!,

— дея оҳ урган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси — бетакрорлиги, тарбиявий аҳамияти, инсонийлиги, ибратли жиҳати билан бутун инсоният учун қадрли. Унинг ижоди нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунё халқлари томонидан севиб ўқилади. Бобур асарлари кўплаб хориж мамлакатларида нашр этилмоқда, бадиий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган халқаро конференциялар ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси улуғ шоир асарлари нафақат ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг маънавий мероси эканидан далолатдир.

Бобур ва бобурийлар сулоласига оид бебаҳо манбалар жаҳоннинг етмишдан зиёд музейларида сақланмоқда. Бобур халқимизга ноёб лирик асарлар — ғазал ва рубоийлар, шеър санъати ва мусиқага бағишланган рисолалардан иборат бебаҳо мерос қолдирган улуғ зот. Унинг бизгача 119 ғазали, 209 рубоийси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ҳамда фардлари етиб келган. "Девон"идан умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ўрин олган.

Бобур нафақат мумтоз шоир, балки адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўпқиррали фаолият ва ижод соҳиби бўлган. Биргина "Бобурнома" унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизиққанлигига яққол мисолдир.

— Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди инсонни комилликка чорловчи улкан маънавий мерос, — деди тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммадали Аҳмедов. — Унинг ижоди, айниқса, адабиёт, тарих, тилшунослик, ҳуқуқшунослик, мусиқа ва географияга оид нодир асарлари бизга тарихимиз ҳақида жуда кўп ва қимматли маълумотлар беради, миллий ўзлигимизни англашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Халқимизнинг маънавий хазинасига айланган Бобур асарларида тараннум этилган эзгу ғоялар Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлашга, ёшлар қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Бобур ижодида инсонни комилликка ундовчи фазилатлар, эзгу ғоялар тараннум этилган. Бугунги глобаллашув жараёнида шоир ижодини ёшлар орасида кенгроқ тарғиб этиш уларнинг маънавиятини юксалтиришга, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.

— Юксак маънавият, бурч ва адолат, эзгулик ва мардлик каби мавзулар тараннум этилган Бобур асарлари ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, ЎзМТДП аъзоси Саидабону Абдусаломова. — Ушбу тадбирда иштирок этиш асносида буюк бобомиз асарларининг мазмун-моҳиятини янада теран англадим, жуда кўп янги маълумотларга эга бўлдим. Шоир *"Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши, Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши. Кўнглим бу ғаريبликда шод ўлмади, оҳ, Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши"* дея яқинларидан айриликда, ўз юртидан ғаريبликда юрган кишининг кўнгли асло яшнамаслигини уқтиради. Улуғ мутафаккир асарлари қалбимизда гўзаллик, нафосат, эзгулик туйғусини уйғотади. Ҳар биримизни Ватанни кўз қорачиғидек асрашга, астойдил севишга, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашга даъват этади.

Дарҳақиқат, Бобур ижодида ватанпарварлик ғояси етакчи ўрин эгаллайди. Унинг асарлари, лирик шеърлари ва рубоийларида инсон учун Ватандан азиз ва муқаддас, олий неъмат йўқлиги уқтирилади.

— Аждодларимиз ҳаёти ва маънавий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами кундан-кун кенгайиб, янги маъно-мазмун касб этаётгани шу юртда яшаётган ҳар бир инсонга фахр-ифтихор бахш этади, — дейди Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси Зокиржон Машрабов. — Хусусан, аждодлар меросини қайта тиклаш, уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёшларни юксак маънавиятли, юртга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Бобурнинг бой мероси, асарларида улуғланган миллий ва умумбашарий ғоялар инсонни тарбиялайди, эзгуликка чорлайди. Буюк мутафаккир ижодида Ватан, миллат, тинчлик, дўстлик ва муҳаббат мавзулари юксак пардаларда тараннум этилган. Шу боис, унинг ҳар бир асари мазмунини, айниқса, ёшларга кенг ва чуқур тушунтиришимиз зарур.

Тадбирда Бобур ғазалларидан намуналар ўқилди. Шоир ғазаллари билан айтилувчи қўшиқлар анжуманга янада кўтаринкилик бағишлади.

Набижон ЖАЛОЛОВ,
халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Тадбир

ШЕЪРИЯТ ВА НАФОСАТ КЕЧАСИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллигига бағишланган "Назм ва наво" кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирга ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саидов, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ф.Маъсудов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда миллий адабиётимиз ривожига, ижодкор зиёлиларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, ёшларнинг яхши китобга бўлган иштиёки ва қизиқишини тобора кучайтириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар халқимиз маънавиятини янада юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Бобур ижоди бетакрорлиги, халқчиллиги билан адабиёт мухлисларининг меҳрини қозонган. Бобур Алишер Навоий ижодини чуқур ихлос билан ўрганган, ғазалларини ёд олган. Унинг яхшилик, одамийлик, одоб-ахлоққа оид ғазаллари Алишер Навоий ижодидан руҳланиб, таъсирланиб яратилгани илмий тадқиқотчилар ва адабиёт ихлосмандларига яхши маълум.

Юртимизда "Бобурнома"ни катта қизиқиш билан ўқимаган китобхон топилмаса керак. Бу асар буюк бобомизнинг ҳаёти, ички кечинмалари, фаолияти ҳақида бебаҳо маълумотлар бериши билан бирга тарих, география ва бошқа қатор фанлар бўйича ҳам қизиқарли манбадир. Кўплаб маълумотларни ўз ичига олган ва 15-16 асрлардаги ўзбек классик адабиёти ва адабий тилининг ёрқин намунаси бўлган бу асар мазмунининг ранг-баранглиги, тил ва услубининг гўзаллиги билан ғоят қимматлидир.

Бобур номидаги халқаро экспедиция томонидан улуғ мутафаккир боболаримиз мангу қўним топган масканларни обод этиш, уларнинг мукаммал асарларини нашр қилиш, мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

– Бобур ижоди ғоят теран, гўзаллиги билан китобхонлар меҳрини қозонган, – дейди Ўзбекистон халқ артистси Замира Суюнова. – Шоирнинг дилбар ғазаллари Ватанни азиз ва мўътабар билиш, тинч ва осуда кунларнинг, бахтиёр ҳаётнинг, яхшиликнинг қадрига етишга ўргатади.

Кечада Бобур ғазаллари билан айтилувчи қўшиқлар ижро этилди. Шоир ижодидан намуналар ўқилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА

Халқ дасталари

"БЕК БОЛАСИ ДЎМБИРАНГДИ ГАРДИ БОР"

Халқимиз маънавиятининг азалий ва абадий мезонлари халқ оғзаки ижодида мужассам. Бу бебаҳо бойлик замон тафаккури ва қарашларига уйғун ривожланиб, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган жанрларидан бири — ўланчиликда халқимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти, ахлоқий-эстетик қарашлари, адолат ва ҳақиқат, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик каби эзгу фазилатлар юксак пардаларда тараннум этилади.

Жиззах вилояти Зомин тумани маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли дам олиш марказлари қошида ташкил этилган "Зомин сайқали" фольклор-этнографик халқ дастаси ҳудудга хос, тиллардан тилларга кўчиб келаётган лапар, ўлан ва маросим қўшиқлари каби халқ оғзаки ижод намуналарини тўплаш ва кенг тарғиб қилиш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

— Қадимдан юртимизда тўй-томошалар, байрамлар ўлан, лапар, айтишувларсиз ўтмаган, — дейди Зомин тумани маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Шамсиддин Жиянмуродов. — Бу, шубҳасиз, халқимизнинг қадим тарихи, мифологик тафаккури, кўп асрлик миллий маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Туманимизда ҳам ўзига хос ўланчилик мактаби яратилган. Унинг ўзига хослиги, энг аввало, ўланларнинг диалог шаклида айтилиши, фикрларни тўлиқ баён қилиш ҳамда ҳудудга хос шевада ижро этилишида намоён бўлади. Бу ўзига хослик бугунги глобаллашув даврида "оммавий маданият" таҳдиди билан курашишда, келажак авлодлар онгу қалбидаги маънавий юксалишда ғоят катта аҳамиятга эга.

Ҳа, аслида ҳам фольклор халқ маданияти ва маънавиятини юксалтириш, она тилини бойитиш, оила ва жамиятда эзгу анъаналарни қарор топтиришдек улуғ мақсадларга хизмат қилади. Сўзга чечанлик, тиниқ овоз ва дўмбира садоси уйғунлигини бирорта мусиқа асбоби ё компьютер бажара олмагани каби ўлан ижросида оҳанг муҳим ўрин тутади. Яъни ижрочи овоз оҳанги воситасида мазмун-моҳият, маъно ранг-баранглиги, жумладан, эркалаш, мақтов каби нозик ҳолат ва қочиримларни яққол ифода этади:

Ўтириб эдим ўй тортиб,
Кўп жигитга бўй тортиб...

Эътибор қилинса, биринчи мисрада "ўй тортиб" ибораси шевага асосланган. Яъни "ўй суриб" маъносини англатмоқда ёки "кўп жигитга бўй тортиб" иборасида йигитларнинг бўйларини ўйлаб ўтирган эдим, деган маъно англашилади. Айрим ўланларда эса чиройли ўхшатмалар маҳорат билан ифодаланади:

Толли олма пишибди-ё,
Тор кўчага тушибди.
Тор кўчаси тор экан-о,
Жўлда булбул зор экан.

Бу ўринда олманинг пишгани, тор кўчага тушгани билан шу кўчада бўй етган қизлар борлигига ишора қилинаётган бўлса, тор кўчанинг торлиги ва унда булбулнинг зорлиги ошиқ йигитларнинг танг ҳолатини англатади. Яна бир айтишувда чиройли тарзда ўзига хос танбеҳ берилади:

Йигит: *Жақидани айтган сулув ой қизлар,*
Дўмбирамга жиров берган бой қизлар.
Мен Зоминдан ўлан айтгали келдим,
Жақидага жавоб айтгали келдим...

Қиз: *Бек боласи дўмбирангди гарди бор,*
Жировингди тушунганди дарди бор.
Жиров айтиб монов жерга келибсан,
Бас келишга бизга, қандай ҳаддинг бор?!

Ўланнинг биринчи ва иккинчи мисрасида келими келиштирилган мақтов фикрга сингдирилган бўлса, учинчи-тўринчи мисрада йигитларга хос қатъият ва жўшқинликка ишора бор.

— Жамоавий халқ ўйинларига асосланган "Чўпон", "Гов-гов", "Чанқовуз", "Майда тўй" ва "Оқ рўмолим" каби халқ оғзаки ижоди

намуналари қайта тикланиб, кенг жамоатчилик ва ёшлар орасида ижро этилмоқда, — дейди "Зомин сайқали" фольклор-этнографик халқ дастаси ижрочиси Сайёра Тўраева. — Бундан мақсад — ўзбек тилининг бойлиги ва гўзаллигини ифодалаш, намоён этиш. Чунки халқ ҳаёти, орзу умидлари, ички кечинмалари ифода этилган ўлан ва қўшиқлар инсонлар қалбидан жой олиб, маънавий оламини бойитади. Номоддий маданий меросимизни янада бойитиш мақсадида унутилаёзган "Жақида", "Ёр-ёр", "Добида гижданг", "Ўйнасин" каби кўплаб ўлан ва лапарларни қайта тиклаб, азалий қадриятимизга хос ижро усулида тақдим этяпмиз. Халқимизнинг ранг-баранг ва бой маданий мероси ёшлар қалбида эзгу ният ва улуғ мақсадларга интилиш, она Ватанга муҳаббат ва эътиқод туйғуларини уйғотмоқда.

Дарҳақиқат, ўзининг мазмундорлиги, тарбиявий аҳамияти ва умрбоқийлиги билан санъатнинг бошқа турларидан ажралиб турувчи фольклор халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши, руҳий-эстетик олами, ички кечинмалари юксак бадиий ифода эттирилган азалий қадриятдир. Фольклор йўналишидаги санъатнинг барча восита ва имкониятларини тиклаш, кенг тарғиб қилиш ўзликни англаш, миллий қадрият ва анъаналарни асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ушбу бой ва бебаҳо маънавий мерос ёш авлод тарбияси ва камолотида, бадиий-эстетик тафаккур тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
7 (439) 2017 йил 15 февраль, чоршанба

Илмий марказлар фаолиятидан

МАЙДАНАКДАН ЮЛДУЗЛАР ЁРҚИН КЎРИНАДИ

Ватанимиз қадимдан жаҳон тамаддуни марказларидан бири бўлган. Айниқса, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг илм-фан ва маърифий салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Олимларимиз томонидан барча фан, хусусан, космик нурлар, ядро физикаси, материалшунослик, акустика, оптика ва спектроскопия, лазер термокимёси, назарий физика, микроэлектроника, астрономия ва астрофизика бўйича чуқур илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Назарий ва экспериментал физика соҳасидаги устувор илмий тадқиқотлар энергетика, қайта тикланувчи энергия манбалари, электроника, фотоника, ускунасозлик каби тармоқлар ривожида муҳим роль ўйнамоқда.

2016 йилнинг 30 декабрида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз етакчи олимлари билан учрашуви, унда илм-фан тараққиётига доир масалаларнинг кенг ва атрофлича муҳокама қилингани соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Йирик илмий марказлардан бири – Майданак обсерваторияси. Самарқанддан 120 километр узоқликда, Помир-Олой тоғ тизмасининг ғарбий тармоғида, денгиз сатҳидан 2700 метр баландликда жойлашган. Канар (Европа) ва Гавай (АҚШ) оролларидаги йирик халқаро обсерваториялар қаторидан ўрин олган Майданак юқори сифатли атмосфера шароити туфайли астрофизик объектларни узлуксиз кузатиш учун ғоят муҳим нуқта саналади.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Майданак обсерваторияси атмосфера тасвири сифати ҳақида кўп йиллик кузатув маълумотлари банки мавжуд бўлган жаҳондаги тўртинчи обсерваториядир. У 2001 йилдан буён ёш юлдузларни кузатадиган жамоа таркибига киритилган бўлиб, бу борадаги ишлар Уэслиан университети (АҚШ) билан ҳамкорликда амалга оширилаётир. 2008 йилда бу ерда МДҲда ягона роботлаштирилган "ТАТ" телескопи ўрнатилди. Телескоп Ер шарининг исталган нуқтасидан туриб, масофадан бошқариш орқали автоматлаштирилган астрономик кузатувлар ўтказиш имконини беради.

Ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар бу телескоп ёрдамида кўплаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Унинг воситасида ёш юлдузлар, Қуёш тизими ташқарисидаги сайёралар, атмосферадаги якка юлдузлар, кўш ҳамда каррали тизимлар таркибига кирадиган юлдузларда рўй берадиган динамик жараёнлар ўрганилмоқда. Бундан ташқари, Майданак обсерваторияси Ер шари ўртача ҳароратини мониторинг қилиш бўйича халқаро дастурда иштирок этмоқда.

2007 йилнинг октябрида Майданак обсерваториясида кашф этилган янги кичик сайёра марказ фаолиятидаги муҳим воқеа бўлди. Обсерваториянинг масъул кузатувчиси Баҳодир Ҳафизов ҳамкасби Алексей Сергеев билан телескопда галактикани чуқур кузатиш ва таҳлил этиш орқали янги кичик сайёрани кашф этди ва у 2009 йилда

210271 рақами билан халқаро каталогга киритилди. Биринчи Президентимиз таклифига биноан, унга буюк фалакиётшунос олим Мирзо Улуғбек яшаб ижод қилган, жаҳон астрономия марказига айланган шаҳар шарафига "Самарқанд" номи берилди.

Олимларимиз, айниқса, назарий астрофизика соҳасида салмоқли натижаларга эришмоқда. 1996 йил Тошкент шаҳрида "TON" халқаро гелиосейсмология станциялар тармоғи ускунаси ўрнатилиб, Қуёшнинг ички тузилишини ўрганиш учун "К Са" йўналишида маҳаллий қуёш ўзгаришларини ўрганиш бошланди.

Албатта, бундай ютуқлар бевосита илмий кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Истиқлол йилларида Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти ҳузурида мамлакатимиз олий ўқув юртлари учун илмий-таълим обсерваториялари ва астрономия-ахборот ресурслари тармоғи ташкил этилди. Бугунги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Самарқанд ва Қарши давлат университетларида астрономия, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах, Қўқон, Навоий ва Нукус давлат педагогика институтларида физика ва астрономия мутахассислиги бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда асосан ёш, истеъдодли олимлардан таркиб топган илмий мактаб ташкил этилиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги бир неча йилда ёш олимларимиз томонидан пулсарлар, магнитарлар, "кротини" ва "қора туйнук" каби нисбий объектлар астрофизикасига оид илмий ишлар амалга оширилди. Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, юздан зиёд илмий мақола тайёрланиб, энг нуфузли халқаро журналларда чоп этилди.

2009 йилда буюк олим ва мутафаккир Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллиги муносабати билан Астрономия институти ҳузурида Астрономия музейи очилди. Музейнинг бой экспозициясидан Мовароуннаҳр ва Европа олимларининг коинот ривожи босқичларига доир илмий тадқиқотлари, асарлари, само жисмлари ҳаракатини кузатадиган турли даврларда кашф қилинган прибор ва телескоплар ўрин олган. Айниқса, ундаги девор квадрант макети – Мирзо Улуғбек обсерваториясининг буюк мутафаккир давридаги астрономик кузатувлари ҳақида тўлиқ ахборот берадиган асосий ускуна ноёб ашё саналади.

— Майданак обсерваторисидаги астрофизик тадқиқотлар, эришилган ютуқларни ҳалқаро миқёсда намойиш этишга ҳаракат қиляпмиз. — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти директори, профессор Шуҳрат Эгамбердиев. — Ҳозир хорижлик ҳамкасблар билан ҳамкорликда бу ерда бир қанча кузатув ишлари олиб борилмоқда. Масалан, Дунё бўйича блазарларни кузатиш телескоплари дастури (Whole Earth Blazar Telescope) бўйича қарийб 30 блазар – галактикалар астрономиясини ўрганишда коинотдаги энг муҳим ҳодисаларнинг узлуксиз мониторинги олиб борилмоқда. Яна бир маълумот: обсерваториямизда 2003 йилдан бери коинотда содир бўлган юздан ортиқ гамма чақнашлар, уларга тегишли ўнлаб мавжуд ва ўта янги 5 галактика кузатилган.

Институт ва Хитойнинг Миллий астрономик обсерваториялар уюшмаси ҳамкорлигида Майданак обсерваториясидаги Цейсс-1000 телескопи тўлиқ такомиллаштирилмоқда. Бунинг натижасида 2016-2020 йилларда самони тўлиқ кузатиш, 150 миллиондан ортиқ юлдузнинг янги энг юқори аниқликдаги каталогини, юқори сифатли осмон харитасини тузиш имконига эга бўлинади.

Майданак обсерваторияси нафақат ўзбек астрономияси ва физика соҳаси, балки дунё илм-фани ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Миллий ғурур

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

У ҳали ёш бўлишига қарамасдан устози Анвар Маҳмудов билан университетнинг "Дастур ечими тўғрилигини текширувчи автоматлашган тестлаш дастури" (acm.tuit.uz) сайтини ишлаб чиқди. Компьютер саводхонлигини ўргатувчи мультимедиали электрон дарслик яратиш лойиҳасида иштирок этди. Ёш истеъдодли дастурчи "Huawei" компаниясининг рағбатлантирувчи мукофотига, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги стипендиясига сазовор бўлди. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича республика олимпиадасида фахрли ўринни эгаллади.

Сирожиддин Абдукаримов айни пайтда таълим даргоҳидаги талабаларнинг рейтингини ҳисобловчи acm.tuit.uz сайтида энг юқори ўринни эгаллаб турибди.

— Саккизинчи синфдалигимда компьютерни илк бора кўриб, унинг имкониятлари чексизлигидан жуда ҳайратланган эдим, — дейди Сирожиддин. — Етук билим олиш, илм-фанда юксак марраларни забт этишга бўлган иштиёқ боис, устозларим кўмагида ундан самарали фойдаланишни ўргандим. Бу борадаги тахсилни дастлаб Паскал ҳамда С++ дастурлаш тилини ўрганишдан бошлаганман. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, дастур тузувчи — ўзига хос салоҳиятга эга ижодкор. Ҳар бир лойиҳани яратиш, омма эътиборига ҳавола қилиш ҳамда ундан мунтазам фойдаланишга топшириш машаққатли вазифа. Изланишларим самараси — "Объектлар тасвирини идентификациялаш учун дастур-UZ" дастури кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. У солиштираётган объектлар тасвирини таниб олиш ва уларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун мўлжалланган бўлиб, ички ишлар органлари ва махсус олий ўқув муассасаларида қўлланилади. Дастурнинг асосий вазифаси — маълумотлар базасидан тасвирнинг идентификация белгиларини аниқлаш, уларни кузатилаётган объект билан солиштириш, ўхшашлигини излаш, тасвир ичидаги объектнинг идентификация белгиларини таниб олиш ва топишдан иборат. Бу каби дастур ва лойиҳалар жорий этиладиган соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшишига ишончим комил.

Сирожиддин олий ўқув юртида ўтказилган "Таълимда инновацион технологиялар" кўргазмасида ўзининг дастурий ишланмаси билан "Энг яхши мультимедиали ўқув ресурси" номинацияси ғолиби бўлган. "Абитуриент ҳисоблаш дастури", "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари электрон таълим тизими", "Объектлар тасвирини идентификациялаш учун дастур-UZ", "Корейс тилини ўргатувчи дастур" ҳамда "Ўзбек-уйғур-рус уч тилли электрон луғат" дастурларига Интеллектуал мулк агентлиги томонидан муаллифлик гувоҳномасини қўлга киритди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларда ижодий тафаккур ва кашфиётчилик қобилиятини ривожлантириш, иқтидорли ёшларнинг илмий-техник салоҳиятини ошириш, интеллектуал ва ижодий баркамоллигини юксалтириш, улар орасидан жаҳон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш бугунги куннинг муҳим вазифаси бўлиб келаётир, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг информатика факультети ўқитувчиси Анвар Маҳмудов. — Зеро, бугунги таълим жараёнини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Сирожиддин айни пайтда "Дастурий ечим тўғрилигини автоматик тестловчи тизим" мавзусида изланишлар олиб бормоқда. Шунингдек, Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаларида ўз дастурий ишланмалари билан мунтазам қатнашиб келмоқда.

Бинобарин, чуқур билимга эга баркамол авлодни шакллантириш, янгича фикрлайдиган ва давр билан ҳамқадам юрадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш давлатимиз ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Мамлакатимизда ёшлар ўз салоҳиятини намоён этиши учун зарур барча шароитнинг яратилгани ўғил-қизларимиз ютуқларида муҳим омил бўлаётир. Улар эришаётган ютуқ ва марралар бизга чексиз ғурур-ифтихор бахш этиш билан бирга, ўзгаларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ёрқин самараси, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Истеъмолчи ҳуқуқи

ЎЗ ҲУҚУҚИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГ

Баъзи ҳолларда ҳақ-ҳуқуқларимиз поймол бўлганини сезсак-да, андиша устунлик қилиб, бундан кўз юмамиз. Айниқса, хусусий шифохоналарда, дорихоналарда, савдо шохобчаларида бундай ҳолатлар учраб туради. Мана шундай ҳолатларда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясига мурожаат қилинса, қонуний чоралар кўриладими?

Гулнора РАҲМОНОВА,
Хатирчи тумани

Ўзбекистон Республикасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун билан кафолатланган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор ҳамда қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳар биримиз истеъмолчи ҳисобланамиз. Демак, ҳар қандай шароитда қонуний ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишга ҳақлимиз. Хусусан, кимдир савдо, коммунал хизмат, соғлиқни сақлаш ёки бошқа соҳаларда ноҳақликка дуч келса, дарҳол Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг жойлардаги бўлимларига мурожаат қилиши мумкин.

Шу ўринда ана шундай мурожаатлар ва уларнинг ечими хусусида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Навоий шаҳридан Гулҳаё Холдорова шаҳардаги "КНК LORAFON" хусусий шифохонасига турмуш ўртоғи даволаниши учун белгиланган маблағни тўлагани, бироқ шунга мос сифатли тиббий хизмат кўрсатилмаганидан норози бўлиб шикоят қилган. Бевосита мурожаатчи иштирокида "КНК LORAFON" хусусий шифохонасида ўрганишлар олиб борилди. Аризада келтирилган важлар бўйича хизмат кўрсатувчи шифокор Б.Собиров билан савол-жавобларда шикоятчининг арзи асосли экани аниқланди ва шифохона тўланган маблағни қайтариб берди.

Яна бир мисол: Кармана тумани "Жалойир" ҚФЙда яшовчи Маҳмаражаб Нуруллаев Навоий шаҳридаги "Гулистон" бозори ҳудудида жойлашган "Жамол Фарм" хусусий корхонасига қарашли дорихона раҳбари М.Нуруллаевнинг пластик картасидан нотўғри — 48 минг сўм кўп ечиб олгани аниқланди. Натижада дорихона раҳбари хатолик учун узр сўраб, ортиқча олинган 48 минг сўмни мижозга нақд шаклда қайтариб берди.

Хулоса шуки, агар сиз ҳам савдо, маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш жараёнида ҳақ-ҳуқуқларингиз поймол этилаётган ҳолатга дуч келсангиз, дарҳол Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг жойлардаги бўлимларига мурожаат қилинг. Қонунбузарларга албатта, тегишли чоралар кўрилади. Қолаверса, Федерациянинг виртуал қабулхонаси, www.istemol.uz сайти ҳамда "1091 — ишонч телефони" орқали ариза, таклиф ва шикоятлар қабул қилинаётгани истеъмолчилар ҳуқуқларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Жамшид ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Навоий шаҳар жамияти раиси

Реклама ўрнида

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВА ЯҚИН КЎМАКДОШИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши давлат ташкилотлари ва халқнинг янада жипслашиб, мустаҳкам ҳамкорликда фаолият олиб бориши учун муҳим қадам бўлди. Тадбиркорлар манфаатларини қонуний ҳимоя қилишни кучайтириш, банк фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва иқтисодиётнинг жадал ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни кунда Шайхонтоҳур туманида ўн минг саккиз юздан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг бир ойида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектларининг сони 230 тани ташкил этди. Туман ҳокимлигида ҳафтанинг ҳар жума куни тадбиркорлар учун "Очиқ эшиклар куни" деб эълон қилинган, "ягона дарча" маркази фаолияти йўлга қўйилган. Ҳокимлик, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида тадбиркорлик фаолияти йўлида учраётган турли тўсиқ ва муаммоларга вақтида барҳам бериш, ўз ишини бошлаш истагидаги фуқаролар учун кенг эркинлик ва қулайликлар яратиш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

— Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар минглаб юртдошларимиз дастурхонига ризк-рўз, оилаларига файз-барака олиб кираётгани ҳақиқат, — дейди "Magnum Medikal Servis" МЧЖ раҳбари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Отабек Жиянбоев. — Бу борада, айниқса, тижорат банклари муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, "Ипотека-банк" АТБ Шайхонтоҳур туман филиали ходимлари билан бирга ҳар бир хонадонга кириб, аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун мавжуд имконият ва шароитлар чуқур ўрганилмоқда, махсус сўровлар орқали уларга йўл-йўриқ кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, аҳолининг бу соҳага қизиқиш ва кўникмаларини ошириш, тадбиркорликка оид қонун ва низомлар билан кенгроқ таништириш мақсадида мутахассислар иштирокида учрашув ва мулоқотлар ташкиллаштирилмоқда. Ана шундай амалий учрашувларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиш, имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича таклиф ва фикр-мулоҳазалар, ечимини кутаётган муаммолар ўртага ташланмоқда. Бугун турли сабабларга кўра фаолиятини тўхтатиб қўйган 150 дан зиёд тадбиркорлик субъекти ўз ишини қайта тиклади. Саккиз юзга яқин янги корхона очилиб, ўн мингга яқин иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя

қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Фармонда белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида Шайхонтоҳур туманида йигирмадан зиёд кичик бизнес субъектларининг турли муаммолари ҳал этилди.

"Ипотека-банк" АТБ Шайхонтоҳур туман филиали ходимлари 11 минг 611 хонадоннинг ҳар бирига кириб, аҳолининг ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кўмаклашмоқда. Бунда тадбиркорликни бошловчилар учун тикувчилик, тўқимачилик, маиший ва умумий овқатланиш хизматлари, ҳунармандлик, сартарошлик, қандолатчилик каби 15 дан зиёд йўналишда молиявий хизматлар таклиф қилинаётир. Аҳолини тадбиркорликка жалб этиш бўйича сўровномалар ўтказиш ва тегишли амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўнга яқин малакали банк ходими масъул қилиб бириктирилган. Хусусан, банкнинг мижоз олдига бориб ўз хизматини таклиф этиши яхши самара бермоқда. Банк ходимларининг маълум қилишларича, айни пайтгача саккиз мингдан зиёд хонадон ўрганилган бўлса, шундан уч юзга яқини тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган. Банк ҳозирга қадар ана шундай йўналишларда ўз фаолиятини бошлаган 59 оилага қарийб 789,7 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратди. Натижада олтмишдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

— Куни кеча "Ипотека-банк"нинг Шайхонтоҳур тумани филиали ходимлари уйимизга келиб, режаларимизни тинглади, биз учун қулай бўлган кредит турларини тавсия қилди, — дейди Эшдавлат Жиянбоев. — Гарчи нафақада бўлсам ҳам ўз бизнес режам асосида кредит олиб, тадбиркорликни йўлга қўйишга қарор қилдим. Насиб қилса, оилам иш билан таъминланади, қўшимча даромадга ҳам эга бўламиз.

Бир сўз билан айтганда, "Ипотека-банк" Шайхонтоҳур тумани филиали томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлардан асосий мақсад —халқимиз турмуш даражасини юксалтириш ва шу орқали юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

БОЛИВИЯ ПАРЛАМЕНТИ

ИККИ ПАЛАТАЛИ БЎЛИБ, ДЕПУТАТЛАР ПАЛАТАСИДА 130 ДЕПУТАТ, СЕНАТДА 36 СЕНАТОР ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ

Боливия Республикаси Жанубий Американинг марказий қисмида жойлашган. Майдони — 1 миллион 98 минг 581 квадрат километр. Аҳолиси — ўн ярим миллион. Боливия шимол ва шимоли-шарқдан Бразилия, жанубдан Аргентина, Парагвай, жануби-ғарб ҳамда ғарб томондан Чили ва Перу билан чегарадош. У океанга бевосита чиқиш имконига эга эмас. Расмий пойтахти — Сукре, ҳукумат идоралари жойлашган амалдаги пойтахти — Ла-Пас. Маъмурий жиҳатдан 9 департамент, 98 вилоятга бўлинади. Боливияда 37 тил расмий мақомга эга. Бироқ энг кўп қўлланиладиган тил — испан, кечуа ва аймара. Давлат бошлиғи — Президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятини икки палатали парламент — Миллий конгресс (Депутатлар палатаси ҳамда Сенатдан иборат), ижро ҳокимиятни эса Президент ҳамда ҳукумат амалга оширади. Миллий байрами — Мустақиллик куни (1825 йил 6 августда эълон қилинган).

Парламент сессияси ҳар йили 6 августда очилади, йилига икки марта ўн беш кундан таътилга чиқади. Парламент аъзоларининг кўпчилиги ҳамда ижро ҳокимияти талаби билан Миллий конгресснинг фавқулодда сессиялари ҳам ўтказилади. Парламент таътилга чиққан пайтда 9 сенатор ва 18 депутат Миллий конгрессда доимий фаолият юритади.

Парламент аъзолари дахлсизлик ҳуқуқига эга: ҳеч бир депутат ёки сенатор ўзи аъзо бўлган палата рухсатисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас.

Миллий конгресс мажлислари очиқ-ошкора ташкил этилади. Фақат парламент аъзоларининг учдан икки қисми қарори билан ёпиқ мажлислар ўтказилиши мумкин. Ҳар бир палата ўз комиссия ёки аъзоларининг талаби билан тегишли вазирлик раҳбарларидан парламент мажлисида иштирок этишни талаб қилишга ҳақли. Ижро ҳокимияти талаби билан парламент мажлислари Ла-Пасда эмас, бошқа шаҳарда ҳам ўтказилиши мумкин.

Парламент қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги солиқларни жорий қилиш ёки эскиларини бекор қилиш, мамлакат ҳудудида янги департамент ва провинциялар тузиш, уларнинг чегараларини белгилаш, миллий пул бирлигини муомалага киритиш, давлат хизмати лавозимларини таъсис этиш, уларнинг ваколатларини белгилаш ёки ўзгартириш, умумий авф (амнистия) эълон қилиш, халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилиш ёки рад этиш, Олий суд аъзоларини лавозимга тайинлаш каби ваколатларга эга.

Сайловга қадар 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси овоз бериш ҳуқуқига эга. 25 ёшга тўлган мамлакат фуқароси депутат этиб сайланиши мумкин. Депутатларнинг 68 нафари бир мандатли, 62 нафари кўп мандатли округларда партия рўйхати асосида сайланади. Лилли Габриэла Монтаньо Виана 2015 йилнинг 19 январидан Депутатлар палатаси раиси лавозимида ишлаб келяпти. Депутатлар палатаси Сенат тақдим этган номзодлар орасидан Олий суд аъзоларини сайлаш, уларнинг фаолиятига нисбатан айблов эълон қилиш каби мутлақ ваколатларга эга.

Сенат аъзолари тўққиз департаментда тузилган округдан партия рўйхати асосида беш йил муддатга тўрт нафардан сайланади. 30 ёшга тўлган мамлакат фуқароси сенатор этиб сайланиши мумкин. Уларнинг ваколат муддати олти йил этиб белгиланган. 2015 йил 19 январдан Хосе Альберто Гонсалес Саманиего Сенат раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Сенат Депутатлар палатаси томонидан Олий суд аъзоларига нисбатан эълон қилинган айбловни кўриб чиқади, мазкур масала юзасидан қарор қабул қилади. Шунингдек, мамлакат фуқаролигидан чиқарилган шахсларга фуқаролигини қайта тиклаш учун ёрдам кўрсатиш, фидокорона хизмат кўрсатган шахсларни мукофотлаш, Олий суд аъзоларини сайлаш бўйича номзодларни Депутатлар палатасига, Бош назоратчи ҳамда Бош прокурор лавозимига учтадан номзодни Президентга тақдим этиш, Олий суд раҳбарияти томонидан кўрсатилган номзодлар орасидан округ судъяларини сайлаш каби ҳуқуқ ва ваколатларга эга.

Парламент ҳамда ижро ҳокимияти қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Қонун лойиҳасини депутатлар палатаси ёки Сенат аъзоларидан бир неча нафари, ҳатто, якка ҳолда ҳам киритиши мумкин. Депутатлар палатаси қабул қилган қонун лойиҳаси йигирма кун ичида кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун Сенатга тақдим этилади. Қонун лойиҳасини юқори палата маъқулласа, кўриб чиқиш ва имзолаш учун Президентга юборади.

Юқори палатага юборилган қонун юзасидан 20 кун ичида бир тўхтамга келинмаса, қонун ташаббускори бўлган палата унга яна 10 кунлик қўшимча муддат бериши мумкин. Агар шундан сўнг ҳам қонун лойиҳаси қабул қилинмаса, палаталарнинг қўшма мажлиси ўтказилади. Палаталар қўшма мажлисида қабул қилинган қонун Президентга тақдим этилади. Давлат раҳбари қонунни ўн кун ичида кўриб чиқиб, имзолайди ёки ўз эътирозлари билан парламент (лойиҳа ташаббускори)га қайтаради. Қайтган қонун Миллий конгресс қўшма мажлисида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ҳолда имзолаш учун Президентга қайта тақдим этилади. Агар парламент мажлисида ҳозир бўлган депутат ва сенаторларнинг учдан икки қисми Президент эътирозларини ўринли эмас деб топса, давлат раҳбари уни имзолаш ва эълон қилишга мажбур. Борди-ю қонун лойиҳаси қўшма йиғилишда рад этилса, кейинги сессияга қадар парламентга киритилиши мумкин эмас.

2014 йилнинг 12 октябрида Боливияда умумхалқ сайловлари бўлиб ўтди. Унда Президент, вице-президент ҳамда парламентнинг қуйи палатасига 130 депутат, Сенатга 36 сенатор сайланди. Президент этиб Хуан Эво Моралес сайланди. Парламент сайловида 84 мандатни қўлга киритган "Социализм сари ҳаракат" партияси ғалаба қозонди. "Миллий бирлашган фронт" партияси 33 мандат билан иккинчи, Христиан-демократик партияси 11 мандат билан учинчи ўринга эга бўлди. Бошқа партиялар парламентда етарли ўринларни қўлга кирита олмади.

Бугунги кунда парламентда энг кўп депутатлик ўрнига эга "Социализм сари ҳаракат" партиясига 1997 йилнинг 23 июлида асос олинган. Парламентдаги 36 сенатордан 25 нафари ушбу партияга мансуб. Мазкур партия туб аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ер ҳамда конституциявий ислоҳотлар ўтказиш, шунингдек, саноатнинг муҳим тармоқларини миллийлаштириш каби ғоя ва мақсадларни илгари сурмоқда.

ОЙДА КИСЛОРОД АНИҚЛАНДИ

Японияниг "SELENE" сунъий йўлдоши олган маълумотлар Ойда кислород ионлари мавжудлигидан далолат бермоқда, деб хабар тарқатган "vokrugsveta.ru" сайти.

Аппарат мазкур модда молекулаларини 2007-2009 йилларда аниқлаган. Тадқиқот натижалари "Nature Astronomy" журналида эълон қилинди.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, Ойга кислород миллиард йиллар давомида Ер атмосфераси воситасида етиб бормоқда. Чунки Ой ҳар ой беш кун давомида сайёрамизнинг магнитосферасини кесиб ўтади. Айнан шу пайтда кислород ионлари Ернинг табиий йўлдошига қуёш шамоли воситасида етиб боради. Бундан аввал олимлар Ойда газ аломатлари (мисол учун, азот) борлиги ҳақида хабар қилган эди. Бироқ бу сафар гап илк бор Ердаги муҳим ҳаёт манбаи — кислород ҳақида бормоқда.

"Ер атмосферасининг устки қатлами кислород ионларидан таркиб топган бўлиб, уни қуёш шамоли осон илиб олади ва Ойга етказади", дейди астрофизик Ребекка Бойл.

Олимлар Ойга кислород 2,5 миллиард йилдан буён етиб бормоқда, деган тахминни илгари сурмоқда.

ЭНГ ЧУҚУР ВУЛҚОН ҚУДУҒИ

Исландияда дунёдаги энг чуқур вулқон қудуғини қазиш ишлари ўз ниҳоясига етди. Бу ҳақда "iddp.is" хабар тарқатган.

Яқинда эълон қилинган баёнотга кўра, қазиш ишлари шу йилнинг 25 январида тугатилган. Қудукнинг чуқурлиги 4 минг 659 метр бўлиб, ичидаги ҳарорат 427 даражани, босим эса 340 барни ташкил этади.

Мутахассисларнинг фикрича, босим билан боғлиқ кўрсаткич туйнук диаметри кенгайишига қараб ўсиб бориши мумкин.

Кудук вулқон бундан 700 йил аввал отилган Исландиянинг Рейкьянес яриморолида жойлашган. 2016 йилнинг 11 августида бошланган қазиш ишлари 176 кун давом этди. Аввалига қудукни қарийб 5 минг метргача қазиш режалаштирилган эди. Бироқ босим ва ҳарорат ниҳоятда баланд бўлгани боис, мутахассислар қазишни шу масофада тўхтатишга қарор қилди.

IDDP лойиҳаси ер остидаги иссиқлик энергиясини электр қувватига айлантиришни кўзда тутади. Мутахассислар фикрича, чуқурликдан чиқувчи буғ ер устига яқин геотермал манбаларга нисбатан 10 баробар кўп энергия бера олади.

БУЮМ ТАШУВЧИ РОБОТ

"Boston Dynamics" муҳандислик компанияси сармоячилар учун ташкил этилган тадбирда "Handle" номли роботни тақдим этди, дейилади "tjournal.ru" сайтида.

Робот ғилдиракли икки оёқда буюмларни ушлаб, бир жойдан бошқа жойга олиб бора олади. У кўпроқ мувозанат сақловчи икки ғилдиракли транспорт воситаси — сегвейни эслатади. Бироқ унга нисбатан тез ҳаракатланади ва икки оёқда мувозанат сақлайди. Борди-ю, қулаб тушса, қайта ўнглана олади.

Тақдимот доирасида "SpotMini" номли тўрт оёқли робот ҳам намойиш этилди. Олқишлар остида саҳнага чиқиб келган робот елкасига ўрнатилган темир қисқич ёрдамида стол устидаги идишни кўтарди ва яна қайтариб жойига қўя олди.

Рангин дунё

"ПАРИЖ ОЙНАСИ"

ЁХУД КУБ ШАКЛИДА ҚУРИЛГАН МУҲТАШАМ ИНШООТ

Дефанс — Парижнинг замонавий мавзеларидан. Бу ерда кўплаб осмонўпар иншоотлар қад ростлаган. Шу боис уни "Париж Манхэттени" деб ҳам аташади. Мазкур мавзенинг қоқ ўртасида қад ростлаган Дефанс катта аркаси Париж шаҳрининг рамзларидан бирига айланган.

Иншоот қурилиши ўзига хос тарихга эга. 1983 йилда Франциянинг ўша вақтдаги Президенти Франсуа Миттеран ташаббуси билан шаҳарнинг ушбу даҳасида ноодатий иншоот лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича меъморлар ўртасида "Дефанс юзи" номли танлов эълон қилинади. Танловда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан меъморлар ўз лойиҳалари билан иштирок этади. Тақдим этилган жами 484 лойиҳадан энг яхшисини танлаб олиш комиссия аъзоларига қийинчилик туғдирди. Шунга қарамай, унда даниялик меъмор Йохан Отто фон Спрекельсеннинг лойиҳаси муносиб деб топилади. Қизиғи шундаки, натижа эълон қилинган пайтда Йохан Парижда эмас, шаҳардан анча узоқда жойлашган оролдаги уйида эди. У ерда ҳеч қандай алоқа воситаси бўлмагани учун меъмор билан боғланишнинг имкони бўлмайди. Шу боис унинг лойиҳаси ғолиб чиққани ҳақидаги хушхабарни етказиш учун Франциядан бир вакил унинг уйига қайиқда етиб боради.

Меъморнинг ғоясига кўра, иншоот шаҳарнинг Шарль де Голль майдонида жойлашган машҳур Ғалаба аркасидан фарқли ўлароқ, XX асрдаги янги авлод иншооти бўлиши керак эди. Маълумки, мазкур арка 1806-1836 йилларда Париж шаҳрида Наполеон Бонапарт фармонига биноан унинг ғалабалари шарафига бунёд этилган. Шу боис у ғалаба тимсоли ҳисобланган. Даниялик меъморнинг ғоясига биноан, унинг лойиҳаси ғалаба эмас, балки тинчлик, инсонпарварлик ҳамда дўстлик рамзи сифатида одамларни мудом яхшиликка чорлаши, дилларда эзгу туйғулар уйғотиши жоиз эди.

Қурилиш ишлари 1983 йилда бошлаб юборилади. Афсуски, меъмор ўз лойиҳаси қурилишини охирига етказа олмай, 1987 йилнинг 16 март куни вафот этади. Шундан сўнг қурилиш ишларига унинг ёрдамчиси франциялик меъмор Поль Андрё бошчилик қилади. Арка Франциянинг "Bouygues" қурилиш компанияси томонидан бунёд этилади.

1989 йилнинг 14 июлида арканинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Иншоотнинг очилиш маросими айнан шу санада ўтказилгани бежиз эмас. Биринчидан, мамлакат ўша санада Буюк француз инқилобининг икки юз йиллигини нишонлаётган, қолаверса, ўша пайтда Катта еттилик (у пайтда ҳали Катта саккизлик дейилмасди) мамлакатларининг анжуманини ўтказиш мўлжалланган эди.

Аркасифат иншоот куб шаклида қурилгани ва ўртаси очиқ бўлгани учун уни "Париж ойнаси" деб ҳам аташади. Янги авлод иншоотини бунёд этиш учун қарийб 2 минг малакали қурувчи жалб этилди. Мажуманинг устунларини қуриш учун бир вақтнинг ўзида алоҳида қурувчилар гурухи иш олиб борди. Иншоот ўн икки бетон устунга, улар эса, ўз навбатида, "Савояр" компанияси томондан ишлаб чиқарилган гидравлик кўтаргичларга таяниб туради. Йўқса, бундай мосламаларсиз тупроқ умумий оғирлиги 300 минг тонна келадиган мажмуага дош бера олмаслиги мумкин.

Бинонинг баландлиги — 110, эни — 112 метр. Унинг ҳар бир горизонтал томонида узунлиги 75 метр келадиган тўрттадан тўсин ўрнатилган. Арка ёруғлик ва шамол таъсирига чидамли, қалинлиги 5 сантиметр бўлган ойнаванд қопламалар билан безалган. Арканинг ички қисмидан пўлат арконга осилиқ турган "булут" ўзига хос рамзий маъно касб этади. У оқ рангли пластмассадан ишланган бўлиб, чодирни эслатади. "Булут" иншоотнинг мувозанатини сақлаб, кучли шамол таъсиридан ҳимоя қилади.

Юқорига иккита тезюрар лифт воситасида кўтарилади. Улар асосан ойнадан ясалган. Бинонинг энг юқори қисмидаги томоша майдончасида Дефанс майдони, қолаверса, Париж кафтдек кўриниб туради. Аркада офислар билан бир қаторда информатика музейи ҳам жой олган. Арканинг юқори қаватидаги залда анжуман ва кўргазмалар ўтказилади. Иншоотнинг ички ҳовлисини таниқли рассом Эмиль Ренорнинг асарлари безаб турибди. Бинода, шунингдек, Биродарлик аркаси жамғармасининг бош офиси жойлашган. Ушбу жамғарма бу ерга ташриф буюрувчилардан тушадиган даромадлар ҳисобига молиялаштирилади.

Дефанс катта аркаси бугун Парижнинг диққатга сазовор иншоотларидан бирига айланган. Уни томоша қилиш учун бу ерга ҳар куни юзлаб сайёҳ ташриф буюради: эшиклари ҳар кун соат 9 дан кечки 7 гача томошабинлар учун очиқ. Катталар учун чипта нархи 10, болалар ва талабалар учун эса 8,5 еврога тенг.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади

MILLIY TIKLANISH
7 (439) 2017 йил 15 февраль, чоршанба

Анъаналар давом этмоқда

ХОРАЗМ ҚОВУНЛАРИ:

ТАРИХ, АНЪАНА ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Гурвак қовуни Хоразмнинг "ташриф қоғози"га айланган. Гурвак пишибди, десангиз бу қовундан татиб кўрганларнинг юзига дарров қувонч югуради. Унинг бетакрор таъми ёдингизга тушади. Бунинг сабаби аён: мамлакатимизда бўлгани каби воҳада ҳам қишлоқ хўжалигининг мазкур сердаромад соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бугунги кунда ҳар бир туманда полизчиликка ихтисослаштирилган кўплаб фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Қолаверса, аҳоли ўз томорқасида тилими тилни ёрадиган қовун етиштиришни қанда қилгани йўқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида Хоразм вилоятига ташрифи давомида Урганч шаҳрида вилоят фаоллари билан учрашди. Ана шу учрашувда ҳудудда барча соҳада амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбарининг, айниқса, "Хоразмда қовун етиштириш бўйича азалдан катта тажриба тўпланган. Шунинг учун биз Ҳазорасп қовунчилик мактабини қайта тиклашга қарор қилдик. Шу йилнинг ўзида қовун етиштирадиган майдонлар 2 баробарга кўпайтирилади", деган фикрлари келгусида Хоразм қовунчилик мактабида янги саҳифалар очади, десак, асло янглишмаймиз.

Тилими тилни ёрар

Тарихий манбалар ва археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, полиз маҳсулотлари Марказий Осиёда 4 минг йил аввал етиштирила бошланган. Милоднинг иккинчи асрида Ўрта Осиёга саёҳат қилган хитойлик сайёҳлар бу ерларда Хитойда ҳеч қачон бўлмаган аъло навли қовунлар борлигини ёзиб қолдирган. Ўрта Осиё, шу жумладан Хоразмда етиштирилган қовун, тарвуз, қовоқ ниҳоятда ҳушхўр ва ширинлиги, узоқ вақт сақланиб туриши, ширасининг ўткирлиги билан қадимдан донғи кетган.

Профессор С.Толстов бошчилигидаги археологлар 1951 йилда ҳозирги Беруний шаҳридан 81 чақирим шимолдаги Султон Увайс тоғларининг ёнбағрида жойлашган қадимий Тупроққалъада милоднинг III асрига мансуб бўлган маданий қовун уруғини топгани бунга яққол далил.

1333 йили Хоразмга саёҳат қилган Ибн Батутта "Саёҳатнома" асарида Хоразм қовунлари таърифига махсус боб ажратиб, шундай ёзади: "Хоразм қовунларига тенг келадиган қовун на Машриқда ва на Мағрибда топилади. Хоразм қовунининг мағзи қаттиқ, ранги қизғиш, бўлиб, "тўни" кўк-яшил товланади. Ўзи жуда ҳам ширин, мамлакат ташқарисида ҳам машҳур ва суюмли ҳисобланади. Қовун қоқиларини ҳатто Ҳиндистон ва Хитой юртларига ҳам савдогарлар Хоразмдан олиб боришади".

Қўшқўпирлик ёши саксондан ошган Қозоқбой бува Қаландаровнинг таъкидлашича, Хоразм қовунларининг шуҳратига икки омил сабаб. Аввало, Хоразм — қуёшли ўлка. Шу боис бу ерда қадимдан ширин қовунлар етиштирилган. Қолаверса, хоразмлик деҳқонлар миришкор ва меҳнатсевар. Хоразмдан кўп уста миришкорлар етишиб чиққан. Бугун янгибозорлик Матвафо Юсупов, гурланлик Мадраҳим Туробов, шовотлик Аҳмаджон Абдуллаев, хивалик Улли ота Самандаров, урганчлик Матёқуб Собировни Хоразмда кўпчилик ҳурмат билан эсга олади. Бу миришкорлар табиатнинг бетакрор неъмати бўлган қовун довруғини бутун дунёга таратган инсонлар ҳисобланади. Уларнинг ишини бугун фарзандлари давом эттирмоқда. Хоразм қовунининг қадимги навлари тикланмоқда.

Қозоқбой буванинг сўзларини тинглар эканмиз, машҳур венгриялик сайёҳ Г. Вамберининг тилими тилни ёрар Хоразм қовунини таърифлаб, "Хива қовунидек ширин егуликни на Эронда, на Туркияда, на Европаю на Осиёнинг бошқа ўлкаларидан излаб топа олмайсан", деган сўзлари ёдимизга тушди.

Қовун таркибида 18 фоизгача қанд, 8-20 фоиз қуруқ модда, 0,2-35,2 миллиграмм С, РР витаминлари, фолат кислотаси, калий, натрий, кальций, магний, темир, фосфор ва бошқа элементлар мавжуд. Бу, қовун нафақат озиқ-овқат маҳсулоти, айни пайтда шифобахш неъмат эканлигидан далолатдир. Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" асарида "қовун уруғи ва пўсти томирларни кенгайтиради, терини тозалайди. Уруғи офтоб уришидан сақлайди, сепкил ва бош қазғоғини йўқотади. Пишгани ҳам, сапча қовун ҳам пешоб ҳайдаш хусусиятига эга. Буйрак, қовуқ ва жигардаги тошларни йўқотади", деб ёзган.

Халқ табобатида қовун жигар, буйрак, юрак, ошқозон, ўпка ва бошқа аъзолар фаолиятини яхшилайдиган, одамни тетиклаштирувчи, пешоб ҳайдовчи, қабзиятдан холи қилувчи, асабни тинчлантирувчи шифобахш неъмат сифатида қўлланилади. Дармонсиз, камқон беморларга қовун тавсия қилинади.

"Гурвак", "Тарнак", "Замча" ...

Бугун Хоразмда 55 турдан ортиқ қовун нави экилиб, парваришланади. Айниқса, унинг воҳа тупроқ иқлим шароитига мос эртапишар "Гурвак", "Тарнак", "Замча", "Қора Гурвак", "Хива бешаки", ўртапишар "Ширин печак", "Урганчи", "Хоразм оқ новвоти", "Жийда япроқ", "Шакарпора", "Зар гулоби", "Оқ қош" ҳамда кечпишар "Бешак", "Қари қиз", "Сариқ гулоби", "Қора қош", "Гурлан", "Амударё", "Шойи қовун" каби навлари катта майдонларда етиштирилмоқда. Бу навлар ўзининг бетакрор таъми, қувватбахшлиги ва турли дармондориларга бойлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, мамлакатимизда ҳар йили ўртача 100 минг гектар майдонда қовун-тарвуз экилиб, гектаридан 250-300 центнердан ҳосил олинмоқда. Охирги ўн йилда полиз маҳсулотлари етиштириш ҳажми 9-10 маротаба ўсиб, уни экспорт қилиш имконияти кенгайди.

Хоразмда халқимиз севиб истеъмол қиладиган "Гурвак"нинг бешта, "Бешак"нинг эса ўндан ортиқ эртапишар нави етиштирилади. Бундан ташқари, қовунининг бир қатор янги навлари воҳа шароитида синовдан ўтказилмоқда. Вилоят қовун майдонларининг 40 фоизида кечпишар навлар парваришланаяпти. Ҳар бир туманда полизчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Қолаверса, аҳоли ўз томорқаларида турли-туман қовун навларини етиштиришни канда қилмайди. Бунда сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг ўз ўрни бор. Ўтган йили ушбу институт жамоаси деҳқонларга серҳосил қовун уруғларини етказиб берди.

— Хоразм қовунларининг касалликка чидамлилик хусусиятини кучайтириш бўйича селекция ишлари олиб борилмоқда, — дейди Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори Рафиқжон Ҳакимов. — Бунда касалликка чидамли "Тўёна" нави билан маҳаллий "Катта бешак", "Олмурти гулоби", "Қизил гулоби" навлари чатиштирилди. 1993 йилда Хоразм воҳаси учун биринчи "Гурлан" нави яратилди. "Амударё", "Гулоби Хоразмий", "Зар гулоби" навлари яратилиб, 1997-2003 йилларда давлат реестрига киритилди. Бу навлар кечпишар бўлиб, ун шудринг касаллигига чидамли, гектаридан 40-50 тонна ҳосил олиш мумкин. Қовуннинг "Тўёна" нави билан "Умрбоқий" навларини чатиштириш натижасида кечпишар, ун шудринг касаллигига чидамли "Саховат" нави яратилиб 2007 йилдан давлат реестрига киритилди. Қовуннинг экспортбоп навларини яратиш мақсадида селекция ишлари олиб борилиб, меваси меъёрий, вазни 1-1,5 килограммгача, шакли думалоқ, сирти текис, сариқ рангли, сертўр, эти қалин, хушбўй таъмли "Кичкинтой" нави яратилиб, 2010 йилдан давлат реестрига киритилди.

Олимларимиз яратган қовун навлари йилнинг турли фаслларида пишиб етилади. Кечпишар "Умрбоқий", "Қўйбош", "Гулоби" каби навларини ҳатто кўкламгача сақлаш мумкин. Бугун юртимизда қовунни мавсумий истеъмол қилиш билан бирга, уни қайта ишлаш кўлами ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Хоразм қовунлари — экспортга

Хоразм заминида етиштирилган ширин-шакар қовунлар қадимда кўрғошин қолипларда карвонлар орқали дунёнинг кўплаб мамлакатларига етказиб берилган. Араб олими Абу-Мансур Абдумалик ибн-Муҳаммад Исмоил ас Солибий (961-1038) ўз асарларида халифа Маъмун ибн Восиқ саройига усти мўз билан қопланган махсус кўрғошин идишларда келтирилган Хоразм қовунлари ҳақида кўплаб маълумотларни қайд этган. "Китоб латоиф ал Маориф" ("Ғаройиб маълумотлар китоби") асарида, Хоразмда етиштирилган, хозир йўқолиб кетган машҳур навни тилга олиб, "Хоразмга хос нарсалардан бу ерда Баранж номи билан юритилган қовундир. У қовуннинг энг ширини ва яхшисидир. Агар яхши сақланиб келса, бир донаси етти юз дирҳам турар экан", деб ёзади.

Ана шу анъанани бугун Урганч туманида жойлашган чет эл инвестицияси иштирокидаги "Хоразм қовунлари" МЧЖ жамоаси давом эттирмоқда. Юртимизда яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланган тадбиркорлар қовунни ташқи бозорга чиқаришда ҳам салмоқли ютуқларга эришмоқда. Унинг бир неча нави етиштирилиб, маҳсулотни Жанубий Корея давлатига экспорт қилиш йўлга қўйилди.

— Замонавий музлатиш жиҳозлари қовуннинг кўриниши ва мазасига зарар етказмаган ҳолда узоқ муддат сақлаш имконини беради, — дейди "Хоразм қовунлари" МЧЖ раҳбари Саъдулла Хўжаев. — Ўзига хос усулда қадоқланган маҳсулотларимиз хорижлик харидорларга манзур бўлмоқда. Ҳар йили Урганч туманидаги Беговот қишлоғи ҳудудида жойлашган 50 гектар майдонда сархил қовунлар етиштирилмоқда. Айниқса, "Сариқ гулоби" қовунини музлатилган ҳолда Жанубий Кореяга экспорт қилаётганимиз яхши самара бераётир. Сабаби, бу қовун мазали, ширалик даражаси юқори. Мазкур қовундан хуштаъм шарбатлар тайёрланади.

Ҳозир ўтган йилги ҳосилдан 320 тоннасини хорижга жўнатиш тадориги кўриляпти. Эътиборлиси, маҳсулотларни сифатли сақлаш учун 500 тонна сиғимга эга музлаткич бунёд этилди. Ўтган йилларда ишлаб чиқариш қувватини ошириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида 500 минг АҚШ долларлик технология харид қилдик. Қайта ишланган қовунларни музлатилган ҳолда четга чиқариш имконияти яратилди. Ишчиларимиз сони йигирма нафарга етди. Шу кунларда 1 миллион АҚШ долларлик кредит эвазига хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни олиб келиб ўрнатмоқчимиз. Бу лойиҳамиз амалга ошса, қовундан музқаймоқ тайёрлаш ва уни сотиш имконияти яратилади. Хорижда бу тайёр маҳсулот анча харидоргир. Бу билан маҳсулотларимиз тури ва сифати, табиийки даромад ҳам янада ошади. Шу билан бирга янги иш ўринлари яратилади.

Бугун ташқи бозорда юртимиз қовунларига талаб юқори. Буни инобатга олган ҳолда, деҳконларимиз маҳсулот турини кўпайтириш ва уни жаҳон бозорига кўпроқ олиб чиқиш чораларини кўрмоқда. Қолаверса, замонавий совутгичли омборхоналар барпо этилиб, такомиллаштирилган қадоқлаш технологияларидан фойдаланилаётгани қовун экспорти ҳажмини оширди. Хоразмда қовунни қайта ишлаш кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Хонқа туманидаги "Улли бобо" ҳамда Гурлан туманидаги "Бозор" фермер хўжаликларида қовун қоқи ва мураббоси тайёрлаш йўлга қўйилган. "Шовот Қоракум" фермер хўжалигида етиштирилган қовунлар Россияга экспорт қилинмоқда.

... Ҳар йили Хива шаҳридаги Ичан-Қалъа музей қўриқхонасида анъанавий "Гурвак — Хоразм қовунчилиги рамзи" шиори остида қовун сайли ўтказилади. Юртимизнинг тарихий-маданий ёдгорликлари қатори заминимизда етиштириладиган ноз-неъматлар, жумладан, ширин-шакар қовунлар ҳам кенг намойиш этилмоқда. Сайлда Хоразм воҳасининг барча ҳудудидан фермер ва деҳқон хўжаликлари ўзлари етиштирган полиз экинларининг ҳамма туридан намуналар билан иштирок этади. Мақсад — қовун етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича орттирилган тажрибаларни оммалаштириш. Бу байрамда мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ва чет эллардан келган меҳмонлар иштирок этиши анъанага айланмоқда. Ҳатто айнан қовун сайлини мўлжаллаб юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар ҳам топилади.

Юртимизнинг қай фаслида бозорларга кирсангиз, ноз-неъматлар кўплигидан кўз қувнайди. Буларнинг бари юртимиз деҳқонларининг миришкор ва омилкорлигидан дарак беради. Заминимизда етиштирилаётган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари минералларга бойлиги ва экологик тозалиги билан инсон саломатлиги учун фойдалидир.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тиббий маслаҳат

ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ

Қиш фаслида ўпка ва нафас йўлларида грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекциялар сабабли турли хасталиклар пайдо бўлиш хавфи ортади. Улар орасида энг кўп тарқалгани — пневмония, яъни зотилжам. Унинг аломатлари кишида иситманинг кўтарилиши, йўтал, нафас олишнинг қийинлашуви каби ҳолатлар билан намоён бўлади. Кўп ҳолларда ўпка яллиғланишини антибиотиклар билан самарали даволаш мумкин. Баъзан муолажалар амбулатория шароитида ўтказилади. Аммо бу дард жуда хавфли бўлиб, айрим ҳолларда инсон организмида оғир асоратлар қолдиради. Бу касаллик ёш болалар, кексалар, турли йўлдош хасталиклари мавжуд беморларда оғирроқ кечиши мумкин. Шу боис у ўз вақтида аниқланиб даволанса, кейинги асоратларнинг олдини олган бўламиз.

Зотилжамни турли бактериялар, вируслар, айрим ҳолларда замбуруғлар келтириб чиқаради. Бактериологик пневмония юқори нафас йўлларининг яллиғланиши, масалан, гриппни бошдан ўтказганда юзага келиши мумкин. Хасталикнинг келиб чиқишида 50 фоиз ҳолатда вируслар сабаб бўлади. У ҳаво-томчи йўли воситасида юқори нафас йўлларига тушади. Кўпинча бу касаллик 65 ёшдан ошган кексалар, сурункали хасталанганлар ёки иммунитети паст болалар ҳамда ҳомиладор аёлларда тез ривожланади. Пневмониянинг илк аломатлари грипп, ЎРВИга ўхшаб ўтиши мумкин. Бактериологик пневмония хасталиги ўткир ҳолда кечиб, ўз вақтида даволанмаса, сурункали тус олиши мумкин: иситма кўтарилади, титраш, кўкрак қафасида кучли оғриқ пайдо бўлади. Касаллик кўп терлаш, куюқ яшил ёки сариқ тусли балғамнинг ажралиши, томир уриши ва нафас олишнинг тезлашиши, тирноқ ва лабларнинг кўкимтир тусга кириши билан кечади. Вирусли пневмониянинг ҳам ўзига хос аломатлари мавжуд. Яъни, иситма, қуруқ йўтал, бош ва мушаклардаги оғриқ, ҳолсизлик, беҳоллик ва нафас олганда кучли ҳансираш кузатилади. Бемор бундай пайтда вақтни ортга сурмай, зудлик билан шифокор кўригидан ўтиши лозим.

Беморга аниқ ташхис қўйиш учун у тўлиқ тиббий кўрикдан ўтиши зарур бўлади. Ташхис қўйишда ўпканинг рентгенография қилиниши ўта муҳим. Рентген сурати орқали ўпканинг зарарланган қисми, унинг даражаси, ўпка пардаси орасида суюқлик бор-йўқлигини аниқлаш мумкин.

Шунинг учун узоқ муддатга чўзилган касалликда, йўтал ва иситма кўтарилганда, нафас сиқ-қанида дарҳол чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтиш лозим.

Пневмония хасталигини даволаш муолажаларини шифокор олиб боради. Бактериологик пневмония антибиотиклар ёрдамида самарали даволанади. Одатий ҳолларда антибиотиктерапиядан бир кеча-кундуздан сўнг натижа сезила бошлайди. Энг муҳими, даволанишни тўхтатмаслик ва уни мунтазам олиб бориш лозим. Беморнинг аҳволи анча яхшиланган бўлса-да, соғайиш жараёни 2-3 кундан ортиқ вақтга чўзилса, қабул қилинаётган антибиотикларни алмаштириш лозим. Бу хасталик шифокор назорати остида зотилжамга қарши препаратлар ёрдамида даволансагина яхши самара беради.

Ўпка яллиғланиши кўпгина ҳолларда яхши даволанмаган грипп, ЎРВИдан сўнг асорат сифатида қолиши мумкин. Ҳар йилги гриппга қарши эмлаш ҳам хасталикка қарши профилактика ҳисобланади. Бунда қўлларни мунтазам совунлаб ювиб туриш энг яхши ҳимояланиш вазифасини ўтайди. Организмнинг касалликларга қарши курашувчанлигини ошириш учун тўғри ва рационал овқатланиш ҳамда санитария-гигиена талабларига риоя этиш, тўйиб ухлаш, бадантарбия ҳам профилактиканинг муҳим шартларидан бири. Бундан ташқари, тозаликка риоя этиш, хонадонларда дизинфекция ишларини йўлга қўйиш, хоналарни шамоллатиш, очиқ ҳавода сайр қилиш касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Чекиш, ичиш каби салбий одатларни ташлаш зарур. Чунки, бу иллатлар иммунитетни сусайтириб, бронхлар ва ўпкаларнинг респиратор вирусларга қарши курашувчанлигини камайтиради.

Хулоса шуки, ўз саломатлигига эътиборли, жисмонан фаол, белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтиб, унинг хулосаларига тўлиқ амал қиладиган инсон ташқи таъсирларга бардошли бўлади. Ана шундай тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзига риоя этиш орқали ўзимизнинг ва келажак авлоднинг саломатлигини ҳимоялашга эришамиз.

БИЛАСИЗМИ?

● "Motorola DynaTAC" номли дунёдаги илк мобиль алоқа воситаси 1973 йили АҚШда ихтиро қилинган. Ўша йилнинг 3 апрелида "Motorola" компанияси ходими Мартин Купер мазкур телефонда "Bell Laboratories" тадқиқот бўлими раҳбари Жоэль Энгелга қўнғироқ қилган.

ТУРФА ОЛАМ

РОБОТ-"ҲАММОЛ"

Скутерлар ишлаб чиқарувчи Италиянинг "Piaggio" компанияси робот технологияси соҳасида ҳам ўз имкониятиларини синаб кўриб, "Gita" номли ўз мувозанатини сақловчи икки ғилдиракли робот-"ҳаммол"ни ишлаб чиқарди.

Робот 18 килограммгача бўлган юкни кўтара олади. Унинг ўзига хос хусусияти — мустақил равишда фойдаланувчи изидан эргашади. Барабан шаклида ишланган роботнинг диаметри — 66 сантиметр. У соатига 35 километр тезликда харакатлана олади. Бироқ у ўз хўжайинининг харакатидан келиб чиқиб оралиқ масофани сақлайди. Боиси роботни ишга туширишдан аввал фойдаланувчи камера билан жиҳозланган махсус оқ камарни тақади. Мазкур бошқарув тизими "SLAM" технологиясига асосланган. Бир соатда тўлиқ қувватланган робот 8 соат йўл босиш имконига эга.

Уни даставвал обдон синовдан ўтказиш, бир йилдан сўнг сотувга чиқариш мўлжалланмоқда.

Феруза АБДУЛЛАЕВА тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73,
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 216, Адади — 10775. Газетанинг бахоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод ҒАФФОРОВ
Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.10.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345